

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

О.Д.РАХИМОВ

**ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАР:
лойиҳалар услуби –
таълим сифатини оширувчи
технология сифатида**

ҚАРШИ - 2013

О.Д.Рахимов. Инновацион педагогик технологиялар: лойихалар услуби-таълим сифатини оширувчи асосий технология сифатида. Услубий қўлланма. Қарши-2013й, 84 бет.

Кўлланмада педагогик ва таълим технологияларининг умумий таърифи ва асосий тушунчалари, инновацион педагогик технологияларнинг турлари, хусусий белгилари, афзалликлари ва камчиликлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Лойихалар услуби технологияси таълим сифатини оширувчи технология сифатида қаралиб, ушбу технологиянинг тарихий ва педагогик таҳлили, мазмун ва моҳияти, таълим тизимидағи ўрни, лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш принциплари, лойиҳа таркибини аниқлашнинг умумий йўналишлари, лойиҳалар услубидан фойдаланишга қўйилган асосий талаблар, лойиҳалар типологияси ва турлари баён этилган.

Телекоммуникация лойиҳалари, унинг таълим тизимидағи ўрни, ўқув телекоммуникация лойиҳалари, уларни ташқи баҳолашни ташкил этиш асослари ёритилган. «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш» мавзусини (мавзу бўйича таянч маъруза матни ва слайдлар ТАТУ профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган) телекоммуникация ўқув лойиҳаси шаклида ўтиш технологияси ишлаб чиқилган.

Кўлланма олий, ўрта-маҳсус ва умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари педагоглари, докторантлар, магистрлар ва талабалар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

*Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)
ўқув-услубий бошқарма бошлиги т.ф.н., доц. А.Эргашев*

*ТАТУ Қарши филиали ўқув ва илмий ишлар бўйича
директор ўринбосари н.ф.н., доц. К.О.Мустафаев.*

Кўлланма ТАТУ Қарши филиали Илмий Кенгаши томонидан кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

Ўқитиши ва таълим-тарбия беришдан мақсад, инсонни ҳаётга тайёрлаш. Биз аввал ўқитамиз, кейин амалда ўргатамиз. Ҳаёт эса аввал амалда синаб кўриб, кейин ўқитади.

O.Рахимов

КИРИШ

Ҳозирги кунда XXI аср юксак технологиялар замони, тафаккур аси, ялпи ахборотлашув аси, глобаллашув даври деб таъриф этилмоқда.

Глобаллашув - инсониятнинг онгу шуури, тафаккури самараси сифатида вужудга келган жағон миқёсидаги умумий жараён, у чегара ва ҳудудларни билмайдиган, тузумларни тан олмайдиган, узлуксиз кучайиб ва ривожланиб бораётган жараёндир. Ана шундай глобаллашув даврида ҳар қандай давлатнинг ривожланиши, уни ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олиши, биринчи навбатда давлатнинг интеллектуал салоҳияти, ёш авлод таълим-тарбияси ва умуман замонавий кадрлар тайёрлаш тизимиға боғлиқдир.

Президентимиз таъкидлаганлариdek:

«Замонавий кадрлар тайёрлаш - ислоҳотлар муваффақиятининг асоси» бўлиб хизмат қиласди. (*Маърифат газетаси. 1989йил, 28 январь*).

«Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиласидиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади.

Бу - мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришнинг шарти ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қиласди».

«Айтиш керакки, кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб –

куватламасдан, ўйлайманки, бирон бир соҳада ахволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди».

Юқорида келтирилган фикрлар шуни кўрсатадики ҳар қандай ҳолатда ҳам Республикаизнинг ривожланишида таълим-тарбия соҳаси марказий ўрин эгаллади.

XX аср илм-фан ривожи ва юксак технологиялар асири деб эътироф этилган бўлса, XXI аср ахборот технологиялари асидир. XX аср бошларида ўқии ва ёзиши билмайдиган киши жамиятда қандай ўрин тутган ва ҳаёт ҳақида қандай тафаккурда бўлган бўлса, ҳозирги кунда компьютер технологияларини билмайдиган киши худди шундай дараҷададир.

О.Д.Рахимов

Республикамизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши ва уни босқичмабосқич амалга оширилиши айнан ушбу ўта муҳим ва долзарб масала ечимиға қаратилгандир. Дастурнинг учинчи босқичи давом этаётган ҳозирги даврни таълимда сифат босқичи деб атасак хато бўлмайди. Айнан таълим сифатини юксалтириш таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини жорий этишни, ривожлантирувчи таълимга ўтишни, бўлажак кадрларда ўз-ўзига

ишонч, ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш компетентликларини шакллантиришни талаб этади.

Инновацион жараён деганда янгиликни яратиш, ўзлаштириш, ундан фойдаланиш, уни тарқатиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мажмуали фаолият тушунилади. Таълимда инновацион жараёнларни амалга ошириш эса таълим сифатини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ахборот коммуникация технологияларини изчил ривожланиши таълим тизимини бутун жаҳон таълим муҳити талабларига жавоб бериши зарурлигини тақоза этмоқда. Таълимда ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш масофавий таълимнинг юзага келишига шароит яратди. Шунингдек, таълим жараёнини халқаро таълим жараёнига айланишига асос бўлади. Албатта, бундай таълим тизимининг юзага келишида инновацион педагогик технологияларни ўқув жараёнида тадбиғи муҳими рол ўйнайди. Ана шундай инновацион педагогик технологиялардан бири «Лойиҳалар услуби» ҳисобланади.

Лойиҳалар услуби – ўқитувчи назоратида янги маҳсулот ва хизматлар яратиш жараёнида ўқувчининг интеллектуаль ва жисмоний имкониятларини, мустақиллик ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш йўли орқали шахснинг ўз қобилиятларидан тўлиқ фойдаланишга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этишнинг амалий аҳамият касб этувчи, субъектив ва объектив янгиликларга эга мослашувчан модели ва ўқитиш тизимиdir.

Хозирги кунда лойиҳалар услуби дунёда энг кенг тарқалган педагогик технология сифатида АҚШ, Россия, Буюкбритания, Белгия, Израил, Финляндия, Германия, Италия, Бразилия, Нидерландия ва шу каби кўпгина ривожланган давлатлар таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

Замонавий лойиҳалар услубининг асосий тезиси: «*Мен нимани биламан ва нимага қобилиятим бор, бу менга нима учун керак, мен улардан қаерда ва қандай фойдаланаман*».

Лойиҳалар услуби мутахассислар тайёрлашда ва уларда ижтимоий ва касбий компетентликни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Сир эмаски олий ўқув юртини ёки касб хунар коллежини тугатган мутахассисга ишлаб чиқаришда мослашиш учун маълум вақт талаб этилади. У бирдан мураккаб ишлаб чиқариш муаммоларини ечишга, масъул қарорлар қабул қилишга тайёр бўлмайди, шунингдек аниқ масалани ечишда жамоа фаолиятини ҳамда ўз фаолиятини оптимал ташкил этишда қийналади. У бутун муаммони тўлиқ фикрлаш, муаммо ечими бўйича юз бериши мумкин бўлган оқибатларни олдиндан кўра билиш ва альтернатив ечимини топиш қобилиятларига эга бўлмайди. Бошқача айтганда у тизимирий ва танқидий фикрлай олмайди. Ушбу барча компетентликлар мутахассисни ижтимоий ва касбий тайёрлаш тушунчасига киради. Айниқса корхонанинг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги мутахассиснинг муаммолар бўйича қандай қарор қабул қилишига боғлиқ бўлган бозор иқтисодиёти шароитида битирувчида бундай компетентликни шакллантирилиши замонавий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мураккаб рақобатбардошлик шароитида ёш мутахассисни ишлаб чиқаришга мослашиши учун вақт йўқ. Ундан бирдан ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришга фаол ва конструктив киришиши талаб этилади. Ушбу шарт барча

ишлаб чиқариш соҳасига, шунингдек ишлаб чиқаришдан узоқ бўлиб туюлган тиббиёт ва педагогикага ҳам таалуқлидир. Албатта врач ёки педагог, мухандис ёки дастурчи муқобил вариантларни ҳисобга олган ҳолда тезкор қарорлар қабул қилиши, ўз қарори бўйича жавобгарлик ҳис қилиши, қабул қилинган қарорлар оқибатларини олдиндан кўра билиши зарур. Шу сабабли, ҳозирги даврда кадрлар тайёрлаш муаммоси долзарб ва муҳим саналади.

Лойиҳалар услуби бундай мураккаб дидактик вазифанинг ечимида муҳим рол ўйнайди. Олий ўқув юрти талабаси биринчи босқичдаёқ жиддий лойиҳавий фаолият юритиши ва уни бошқа босқичларда узлуксиз давом эттириши зарур. Бунинг учун таълим тизимиға инновацион технологияларни жорий этиш, унинг шакли ва мазмунини қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Ўқитувчи маъruzada материални ўқиб бермасдан, интерфаол услублардан фойдаланиши, талабаларнинг фаоллигини ва мустақил фикрлашларини ривожлантириши, касбий соҳадаги муаммоли вазиятлардан ҳаётий мисоллар келтириб, «ақлий ҳужум» услуби ёрдамида муаммо ечимининг бир қанча муқобил ечимларини аниқлаши, хulosалashi зарур. Бундай муммволи вазиятлар ишлаб чиқариш шароитидаги қўйидаги сабаблар билан ҳам келти-рилиши мумкин: ҳисоб ишларидаги хатоликлар, стратегиянинг мос танланмаслиги, ҳисоблар сметасининг оширилиб юборилиши, раҳбарликни сустлиги, нотўғри қарорлар қабул қилиниши, келишилган ҳолда қарорлар қабул қилинмаслиги, ишни режалаштирумаслик ва тақсимламаслик, катта ва муҳим топшириқларни кичик топшириқларга бўлиб ташланиши ва б.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хulosalash мумкинки, лойиҳалар услубидан узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида кенг фойдаланиш таълим сифатини оширишнинг асосий йўлларидан бири бўлиб хизмат қиласди.

Шу сабабли ушбу қўлланмада педагогик ва инновацион таълим технологиялари қисқа таҳлил қилинган, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари келтирилган ҳамда «Лойиҳалар услуби» педагогик технологияси атрофлича ва чукур ўрганилиб, унинг ривожланган давлатлар таълим тизимида тутган ўрни ва натижалари ўрганилган, республикамиз шароитида олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ундан фойдаланиш технологиясининг намуналари ишлаб чиқилган.

I. ПЕДАГОГИК ВА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Олий таълим муассасасида таълим технологияси – талабанинг қобилиятлари ва қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда мутахас-сисларни тайёрлаш мазмуни, таълим мақсадига мос равишда мазмунни лойиҳалаш ҳамда педагогик услублар, шакллар ва ўқитиши усулларини тадбиқ этишга йўналтирилган психологик, умумпедагогик, дидактик ва шахсий услубий тартиблар асосида амалга оширилувчи ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро таъсир тизимиdir.

Таълим технологияси – ўқувчининг шахсий сифатларини, касбий, умумкасбий ва умуммаданий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ўқитиши ва тарбиялаш технологиясидир.

Педагогик технология - юқори даражадаги самарадорликни таъминловчи, педагогик қонуниятлар, мақсадлар, принциплар, мазмун, шакл, услублар ва ўқитиши воситаларидан ҳамда тарбиялаш усулларидан ташкил топган лойиҳалаш ва мос равишда ушбу технологияни амалиётда қўллаш тизимиdir.

Педагогик технология – таълимни илмий лойиҳалаш ва унинг аниқ кафолатли муваффақиятини таъминловчи тизимdir.

Педагогик технология қўйидаги белгилар билан характерланади:

- ўқитиши ва тарбиялаш мақсадларини кетма-кет ишлаб чиқиш;
- ўзлаштиришга мўлжалланган ахборотларни таркиблаш, тартибга солиш ва зичлаш;
- ўқитиши ва назорат қилишнинг дидактик ва техник, шу жумладан компьютер воситаларидан мажмуали фойдаланиш;
- ўқитиши ва тарбиялашнинг ташхис функциясини кучайтириш;
- ўқитишининг етарли даражадаги юқори сифатини кафолатлаш.

Ўқитишининг педагогик технологиялари таснифи:

- **Фойдаланиш даражасига кўра:** умумпедагогик, шахсий услубий (фан бўйича) ва локал (модулли);
- **Фалсафий асоларига кўра:** илмий ва диний, гуманистик ва авторитар;
- **Тажрибани ўзлаштиришнинг илмий концепциясига кўра:** ассоциатив-рефлектор, бихевиористик, интериоризатор, ривожлантиручи;

➤ **Шахс тузилишига мўлжалланганлиги бўйича:** ахборот (билим, уқув ва малакани шакллантириш), операцион (ақлий ҳаракат қобилиятларини шакллантирувчи), эвристик (ижодий қобилиятларни ривожлантирувчи), амалий (реал-амалий соҳада малакани шакллантириш);

➤ **Анъанавий ўқитиш тизимини модернизациялаш характеристига кўра:** ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва интенсификациялаштириш технологияси; ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги фаолиятни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги технология; ўқув материалини дидактик қайта ишилаш асосидаги технология.

Бу технология ушбу белгилари бўйича таснифланиши мумкин:

- ✓ етакчи мақсад ва вазифалар бўйича;
- ✓ ўқиши ташкил этиш шаклига кўра;
- ✓ асосий ўқитиш услубига кўра.

Ўқитиш технологиясининг дидактик таркиби қуйидагиларни ҳисобга олади:

- фойдаланиш даражаси;
- фалсафий асоси;
- билимни ўзлаштиришнинг етакчи концепцияси;
- таълим мазмунининг фарқланувчи характеристи;
- ўқитишни ташкил этиш шакли;
- етакчи ўқитиш услуби;
- ўқувчилар категорияси.

II. ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ХУСУСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Педагогик инноватика (янгилик киритиш, инновация) – таълим муассасасининг фаолиятига нисбатан барқарор янгилик элементларини киритиб, унинг ривожланиши ва фаолият кўрсатишига самарали таъсир этувчи мақсадга йўналтирилган ўзгартиришdir.

Инновацион педагогик технологиялар айнан таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабалар (tinglovchilar)га муайян фан (мавзу) бўйича билим бериш ва шахсini шакллантиришга қаратилган ўқитишнинг замонавий услублари ва техник воситалари мажмуидир.

2.1. Ўқитишнинг анъанавий (репродуктив) технологияси

Анъанавий технологиянинг асосий хусусиятлари ва дидактик мазмуни қуидагиларни ўз ичига олади:

- билим бериш, ўқув ва малакани шакллантиришга мўлжалланади;
- ўқувчиларни репродуктив даражада ўқув мазмунини ўзлаштиришларини ҳамда уни назорат қилиш ва баҳолашни таъминлайди;
- етакчи услуб-кўргазмалар асосида тушунтириш;
- ўқувчиларнинг асосий фаолияти тури - тинглаш ва эслаб қолиш;
- дидактик мезони – ўрганилганларни хатосиз эслаш ва амалда қўллаш.
- дидактик схемаси: янги материални ўрганиш-мустаҳкамлаш-назорат-баҳолаш;

Афзалликлари:

- ✓ режалилик, тежамлилик;
- ✓ таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг самарадорлиги;
- ✓ билимларни баён этишининг янги усулларидан фойдаланиш имконияти.

Камчиликлари:

- ✓ ўқув жараёнининг шахсий ва дифференциал имкониятларини чекланганлиги;
- ✓ ўқувчининг ақлий ривожланишини паст потенциаллиги.

2.2. Ривожлантирувчи таълим технологияси

Ушбу педагогик технология муаллифлари Л.С. Выгодский («Инсоннинг руҳий ривожланишини маданий-тарихий назарияси» номли асари) ҳисобланади ва бу технология Л.В. Занков, Д.Б.Эльконин, В.В.Давыдовлар томонидан ривожлантирилган.

Асосий хусусиятлари:

- ўқитиш самарадорлигини оширади;
- етакчи принцип- юқори даражада қийин ва тез суръатларда ўқитиш;
- таълим мазмуни - назарий билимларга таянган ҳолда амалий ўқув ва малакани биргаликда ривожлантириш;
- ўқув фаолиятининг турли ҳолатларида ўқувчи рефлексиясини рағбатлантириш.

Муаммолиги: шахснинг динамик характеристикасини ўқув жараёни субъекти билан мос келишининг зарурлиги.

2.3. Ақлий ҳаракатни босқичма-босқич шакллантириш технологияси

Ушбу ғоя муаллифлари П.Я. Гальперин, Д.В. Эльконин ва Н.Ф. Талызинлар ҳисобланади. Бу технологияда ўқув жараёни аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш асосида амалга оширилади.

Ўқитиш босқичлари:

- ўқувчининг ўқув мазмуни ва мақсадларини фаоллаштириш;
- фаолиятнинг мақсадга йўналтирилган асослари схемасини англаш:
- *бажариши услуби кўрсатилмаган ҳолда, таклиф этиладиган аниқ фаолият намунаси;*
- *фаолиятни тўғри бажаришини тўлиқ ва мукаммал кўрсатилиши;*
- *олинган билимлар асосида ўқувчи томонидан фаолиятнинг мақсадга йўналтирилган асосларини мустақил яратилиши.*
- ташқи шакл қўринишидаги фаолият (модель, схема, чизмалар);
- фаолиятни ташқи нутқий умумлаштириш;
- ички нутқ даражасида фаолиятни умумлаштириш;

- фаолиятни интериоризациялаш – ички режали ақлий бажариш фаолиятига ўтиш.

Афзалликлари:

- ✓ ўқитиш жараёни индивидуаллаштириш;
- ✓ намуналарни кўрсатиш ҳисобига уқув ва малакаларни шакллантириш вақтини камайтириш;
- ✓ алгоритмлаштириш ҳисобига фаолиятни юқори даражада автоматлаштириш;
- ✓ фаолият сифатини индивидуал назорат қилиш имконияти;
- ✓ ўқитиш услубиётини тезкор тўғрилаш, тузатиш.

Камчиликлари:

- ✓ назарий билимларни ўзлаштириш имкониятининг чекланганлиги;
- ✓ услубий ёрдам кўрсатишнинг мураккаблиги;
- ✓ ижодий фаолият бўйича фикран ва ривожланлантирувчи қобилиятга эга бўлиш имкониятини зарурлиги.

2.4. Жамоавий ўзаро таъсир технологияси

Фоя муаллифлари ва уни ривожлантирганлар А.Г. Ривин, В.В.Архипова, В.К. Дъяченко, А.С.Соколовлар ҳисобланади.

Ташкилий диалог, биргаликдаги диалог, ўқитишнинг жамоавий усули, ўқувчиларнинг алмашинувчи таркибли жуфтлигига ишлаш ушбу педагогик технологиянинг етакчи шакллари ҳисобланади.

•Педагогик технологиянинг асосий компонентлари:

ўқув материалини тайёрлаш:

- ✓ ўқув матнларини танлаш;
- ✓ қўшимча ва луғат материалларини тўплаш;
- ✓ ўқув материалини фикран таркиблаш;
- ✓ ўқув мақсадини ишлаб чиқиш.

ўқувчиларни йўналтириш:

- ✓ тайёргарлик (дидактик тренинг) босқичи;
- ✓ таништирувчи (мақсадни билдириш, «ўйин қоидаси»ни ўзлаштириш, ўқиш натижаларини ҳисобга олиш усуллари) босқичи.

ўқув машгуломларини ўтказиши технологияси:

- ўқув материали ҳажмини ҳисобга олиш;
- ўзлаштириш вақти;
- ўқувчилар ёши.

асосий босқичлари:

- ўқув материалини индивидуаль қайта ишлаш;
- роллар алмашиниш шарти билан «педагог-ўқувчи» ролли парадигмасида ҳамкорлар билан билим алмашиниш;
- олинган ахборотларни қайта ишлаш ва ўзаро ўқиш учун янги ролли ҳамкорлар излаш.

• Дидактик услуби:

ўқув цикли вақти доирасида ўқувчини ўқув мавзулари билан түлиқ «юклаш» (олдиндан аниқланган күрсаткичлар бўйича аниқ мазмунли фрагментни түлиқ ўзлаштиришга олиб келувчи ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги биргаликдаги фаолият).

• Афзалликлари:

- ўқитиш суръатини индивидуаллаштириш;
- жамоавий жавобгарлик ҳиссини фаоллаштириш;
- ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини шакллантириш;
- ассоциатив боғланишлар ҳажмини ошиши хисобига билимларни мустаҳкам ўзлаштирилишига эришиш.

2.5. Тўлиқ ўзлаштириш технологияси

Ушбу технология муаллифлари америкалик олимлар Дж.Керолл ва Б.Блюм ҳисобланади. Анъанавий технологиясидан якуний натижа, яъни ўқувчилардаги билимни ўзлаштириш даражаси билан фарқ қиласи.

• Асосий хусусиятлари:

- ✓ ҳар бир ўқувчи учун индивидуал вақт, услуг ва ўзлаштириш шакли шароитида ягона белгиланган даражадаги билим, уқув ва малакага эришиш вазифаси қўйилади;
- ✓ барча таълим олувчилар учун ўқитишнинг режали натижаси (тўлиқ ўзлаштириш эталони)ни белгилайди;
- ✓ ўқув материаллари мазмуни алоҳида бўлимларга бўлинади («ўқув элементлари», «мазмун бирлиги », «кичик блоклар» ва б.);
- ✓ ҳар бир ўзлаштириш бирлиги бўйича икки балли шкала (синовдан ўтди, ўтмади) асосида тест (назорат топшириғи) тайёрланади.
- ✓ ҳар бир ўқув бирлиги бўйича ўзлаштирилмаган ўқув материални қўшимча қайта ишлаш учун коррекцион дидактик материал тайёрланади.

✓ түлиқ ўзлаштириш эталони фикрий, ҳиссий ва рухий соҳаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўзаро иерархик боғланган педагогик тизим мақсад кўринишида белгиланади;

✓ ўқув мавзусини түлиқ ўзлаштириш эталони ишлаб чиқилади.

• Билиш фаолияти мақсадлари:

➤ билим (ўқувчи эсда саклади, қайта ривожлантириди, билади);

➤ тушуниш (тушунтира олади, мисоллар билан изоҳлайди ва шарҳлайди);

➤ амалда қўллаш (ўрганилган материалларни аниқ, стандарт шароитлар ва янги вазиятларда қўллай олади);

➤ умумлаштириш ва тизимлаштириш (бутунликни қисмларга ажратса билади ва янги бутунликни ташкил қила олади);

➤ баҳолаш (ўқув объектининг қиммати ва аҳамиятини аниқлайди).

Ўқитувчи фаолияти:

✓ ўқув мақсади билан таниширади;

✓ ўқишнинг умумий режасини тушунтиради;

✓ янги материални баён этади (анъанавий усулда);

✓ оралиқ назоратни ташкил этади;

✓ оралиқ натижаларни баҳолайди;

✓ түлиқ ўзлаштирилмаган ўқув материаллар бўйича ўқувчилар билан қўшимча ишлайди;

✓ ўзаро ёрдам кичик гуруҳларини ташкил этади;

✓ қўшимча ишлаш ташкил этилгач, ўқувчиларни қайта синовдан ўтказади.

2.6. Турли даражали ўқитиш технологияси

Ушбу технология ҳар бир таълим олувчини яқин ривожланиш доирасига мос келувчи фаолиятини ҳисобга олган педагогик шароит яратишни ва дифференциал даражали ўқитишни кўзда тутади.

Дифференциал ўқитиш варианtlари қуйидагиларни ўз ичига олади:

➤ шахснинг динамик характеристикиси ташхиси ва умум ўқув малакаларни эгаллаш даражаси асосида ўқитиш;

➤ билим олиш ва қизиқишлиари йўналишларига боғлиқ ҳолда танлаш;

- профил ўқитиши вариантлари бўйича ташкил этиш.
- Ўқув мақсадини белгиловчи асосий детерминантлар (аниқловчи омиллар) қуидагилардан таркиб топган:
- ✓ билиш мазмунини фаоллаштириш ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини рағбатлантириш;
 - ✓ ўқув материалини ўзлаштириш даражасини ихтиёрий танлаш (ДТС дан кам бўлмаган ҳолда);
 - ✓ ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш;
 - ✓ таълим мазмуни таянч компонентини тўлиқ ўзлаштириш;
 - ✓ ўқув жараёнини жуфтликда, гурухий ва жамоавий шаклларда ташкил этиш;
 - ✓ ўқув материали ўзлаштирилиши устидан оралиқ назорат;
 - ✓ ўқув материалининг ўзлаштирилган ҳар бир йирик бўлими бўйича кириш ва якуний назорат ўтказиш;
 - ✓ шахсий таълим режаси бўйича тезкор ўқитиш.

2.7. Адаптив ўқитиши технологияси

Адаптив (мосланувчан) ўқитиши технологияси турли даражали ўқитиши технологиясининг ҳар хиллиги билан фарқланади. Ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув машғулотларининг мослашувчан тизимини ташкил этишни кўзда тутади. Унда асосий эътибор ўқувчиларнинг ўқув қобилиятларини шакллантиришга қаратилади.

- Асосий хусусиятлари:**
- **ўқув жараёнини ташкил этиши шакли:**
 - ✓ ўқитувчи билан биргаликда;
 - ✓ педагог билан шахсий;
 - ✓ педагог раҳбарлигида мустақил ишлаш.
 - **ўқувчиларнинг фаол мустақил фаолиятига асосий эътибор қаратиши:**
 - ✓ асосий ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш;
 - ✓ рефератлар тайёрлаш;
 - ✓ лаборатория ва амалий ишларни бажариш;
 - ✓ турли назорат ишларини бажариш.
 - **жуфт гурухларда ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиши:**
 - ✓ статик;
 - ✓ динамик;

- ✓ вариатив;
- тескари боғланишли кўп қирралиги;
- қулай ўқитиш шароити ва муваффақиятли вазиятларнинг устунлиги.

Педагогик технологиянинг асосий босқичлари:

- ✓ барча ўқувчиларга янги материални тушунтириш;
- ✓ мустақил шуғулланувчи гурӯҳ билан ўқитувчининг шахсан ишлаши.
- ✓ алмашинувчи гурӯҳларда ишлаш;
- ✓ ўқувчиларнинг мустақил ишлаши.

2.8. Дастурлаштирилган ўқитиш технологияси

Педагогик технология ғояси муаллифлари Америкалик олимлар Н. Краудер, Б.Скиннер, С.Пресси ва Россиялик П.Я. Гальперин, Л.Н.Лында, А.М. Матюшкин, Н.Ф. Талызинлар ҳисобланади.

Ушбу технология маҳсус техник воситалар ёрдамида (компьютерлар ва б.) олдиндан ишлаб чиқилган ўқитувчи-дастурлар ёрдамида шахсан мустақил ўқишига асосланган ва у ҳар бир ўқувчининг шахсий хусуиятларини (ўқиш суръати, ўзлаштириш даражаси ва б.) ҳисобга олиб ташкил этилади.

Дидактик принциплари:

- ўқув материалларини осон ўзлаштириш имконини берувчи унча катта бўлмаган бўлимларга ажратиш;
- ўқув фаолиятини кетма-кет бажарилишини таъминловчи тизимни киритиш;
- ҳар бир ўқув материалини ёки қисмларини ўзлаштирилиш сифатини текшириш;
- текшириш натижаси бўйича кейинги босқичга ўтиш ёки қайта ўрганиш;
- назорат ишларини бажаришнинг ўзига хос хусусияти (ички ва ташқи тескари алоқа «педагог-ўқувчи»).

Дастурлаш принциплари:

- ✓ чизиқли (*шахсий суръатда дастурни қадамма-қадам ўзлаштириш кетма-кетлиги*);
- ✓ тармоқланган (*тўғри ва нотўғри жавоблар парадигмасида шахсан ўқииш жараёни*);
- ✓ аралаш (*шеффилд ва блокли технология*).

Дастурлаштирилган матнларни тақдим этиш усуллари:

- ✓ ахборот-коммуникация техник воситалари (*ўқувчига янги ахборотларни узатиши*);
- ✓ машина-назоратчи (*билимни назорат қилиш ва баҳолаш*);
- ✓ репетитор машиналар (*билимларни мустаҳкамлаш мақсадида қайтариши*);
- ✓ машқ қилиш машиналари (*ўқувчида керакли амалий уқув ва малакани шакллантириши*).

Компьютерли ўқитиш технологияси афзалликлари:

- ✓ маҳсус компьютерли ўқитиш дастурлари ёрдамида кенг доирада турли-туман дидактик вазифаларни ечиш имконияти;
- ✓ ўқишининг ахборот базасини кенгайиши (*электрон кутубхоналар, миллий ва чет эл ўқув-услубий базалари, Интернет*);
- ✓ ўқитишнинг шахсий суръати (*адаптив компьютер дастурлари*.)

2.9. Муаммоли ўқитиш технологияси

Педагогик технология ғояси муаллифлари Т.В. Кудрявцев, А.М.Матюшкин, В.Окоń ва М.И.Махмутовлардир.

Педагогик технология мақсади ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчининг ўқув муаммолари ечимиға қаратилган мустақил ижодий изланувчанлик қобилиятларини шакллантиришга қаратилган. Педагогик технология тадбиғи ўқувчида янги билимлар, уқув ва малака, ривожланувчи билиш қобилияти, эрудиция (билим, ақл-заковат), билишни севиш, ижодий фикрлаш каби муҳим аҳамиятга эга бошқа шахсий фазилатлар ҳамда қобилиятларни шаклланишига олиб келади. Ушбу технологияда педагог билимларни тайёр ҳолда етказмайди, балки ўқувчига мавзу бўйича муаммоли вазият ҳосил қиласи ва муаммо ечими бўйича унда фикр ва ғоя уйғонишига шароит яратади.

Муаммоли вазиятлар қўйидаги қарама-қаршиликларни фаоллаштириш натижасида юзага келтирилади:

- мавзу бўйича билинган ва билинмаган масалалар (маълум усуллар ва услублар ёрдамида муаммоли вазиятларни юзага келтириш имконияти йўқлиги);
- эгалланган билимлар ва янги далиллар (жуда паст ёки юқори даражадаги билимлар, ҳаётӣ ва илмий билимлар, мавжуд билимлар билан янги талабларни мос келмаслиги);

- мавжуд билимлар билан уни қўллашдаги ўзгарувчан амалий шароитлар;
- масалани мумкин бўлган назарий ечиш йўллари ва танланган усул (йўл)ни амалиётга мос келмаслиги (қўллаб бўлмаслиги);
- ўқув топшириғни амалий бажариш бўйича эришилган натижалар ва ўқувчидаги назарий жиҳатдан асослашга оид билимларни йўқлиги (етарли эмаслиги).

Муаммоли вазият қачонки, муаммоли топшириқ (ўқув топшириғи, саволлар, амалий топшириқ ва б.) ўқувчининг интеллектуал имкониятларига мос келса, юзага келган муаммоли қарама-қаршиликларни ҳал қилиш ва муаммоли вазиятдан чиқишга ундасагина дидактик аҳамиятга эга бўлади.

Муаммоли ўқитиши технологиясининг асосий шакллари:

- муаммони баён этиши – ўқитувчининг ўқувчига қўйилган муаммони ҳал қилишнинг илмий-мантиқий ечимини намойиш этиши;
- қисман-изланиш фаолияти - ўқитувчи томонидан маҳсус саволлар бериш орқали, ўқувчидаги муаммони ечишга қаратилган мустақил фикрлар ва саволлар жавобини топиш бўйича фаол ҳаракатни ўйфотиш;
- тадқиқий фаолият – муаммони ҳал қилиш усуллари ва йўлларини ўқувчи томонидан тўлиқ мустақил излашини ташкил этиши.

Афзалликлари:

- ўқувчининг ақлий ривожланишини юқори даражасига эришиш, билиш мустақиллигини шакллантириш;
- ўқув фаолиятига қизиқишини ўстириш;
- ўқитишининг мустаҳкам натижаларини таъминлаш.

Камчиликлари:

- ✓ режалаштирилган натижаларга эришишда катта вақт сарфини талаб этилиши;
- ✓ билиш фаолиятини ўқувчи томонидан суст бошқарилиши.

2.10. Модулли ўқитиши технологияси

Ушбу ўқитиши технологияси XX асрнинг 60 йиллари охирларида АҚШ ва Фарбий Европада анъанавий ўқитиши технологиясига алтернатив тарзда юзага келган. Россияда ушбу технологияни П.Юцявичене ва Т.И. Шамовлар ривожлантирган.

Бу технологияда ўқувчи модул билан ишлаш жараёнида мустақил (ёки ўқитувчининг маълум ёрдами билан) равиша аниқ ўқув мақсадларига эришади.

Модуль - ўқув мазмуни ва уни эгаллаш технологиясини ўз ичига олган мақсадли функционал таркиб ҳисобланади.

Модуль таркиби:

- мақсадли ҳаракат режаси;
- ахборотлар банки;
- дидактик мақсадга эришиш бўйича услугий тавсиялар, кўрсатмалар.

Тадбиқ этиш шартлари:

- модулли дастур + мажмуали дидактик мақсад + унга эришишни таъминловчи модуллар мажмуи.

Модуль типлари:

- ❖ билиш жараёни - фан асосларини ўрганиш;
- ❖ жараёнли- фаолият усулларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- ❖ аралаш - биринчи икки гурӯҳ мазмунини бирлашмаси.

Ўқув жараёнини ташкил этиш мантиқи:

- ✓ ҳар бир модуль мазмуни ўрганилгач, ўқувчилар билими ва уқувини дастлабки назорати (тайёргарлик даражаси);
- ✓ билимларга тегишли ўзгартиришлар, тузатишлар киритиш (талаб этилган тақдирда);
- ✓ жорий ва оралиқ назорат (ўз-ўзини назорат қилиш, ўзаро назорат, текшириш);
- ✓ якуний назорат (модул билан ишлаш якунида).

Модулдан ўқитишининг ҳар қандай ташкилий тизимида фойдаланиш мумкин. Анъанавий ўқитиши тизими билан модуль технологиясини биргаликда қўллаш самарали ҳисобланади.

2.11. Ижодий фаолиятни ривожлантириш технологияси

Ижодий фаолият моҳиятини белгиловчи асосий омиллар:

1. Фалсафий ва ижтимоий-иқтисодий. Ижодий фаолият - амалдагидан фарқ қилувчи бирор бир янгилик яратишидир.

Ўлчов категориялари:

кашфиёт – олдин номаълум бўлган объектив мавжуд бўлган хусусият ва ҳодисаларни аниқлаш;

ихтиро - техник муаммолар ечимиға йўналтирилган, ишлаб чиқаришда ижобий аҳамиятга эга бўлган янгилик, қарор, технология ва б.

рационализаторлик таклифи – олдиндан маълум ва амалда тадбиқ этилаётган техниканинг бошқа янги шароитда самарали ишлашини таъминлашдаги вазифалар ечими;

лойиҳалаш – маълум бир объектни икки босқич асосида қуриш, яратиш:

1. Дастлаб лойиҳани фикран юзага келтириш, унинг чизмалари ва техник ҳужжатларини тайёрлаш.

2. Лойиҳани амалда тайёрлаш (деталлар ва қисмларини тайёрлаш, уларга ишлов бериш, йиғиш ва яратиш).

Дизайн – объектни маълум бир эстетик тавсифлари асосида санъаткорона лойиҳалаш.

3. Психологик-педагогик - янги билим, уқув ва малакалар кўринишида ушбу субъект учун олдиндан номаълум бўлган янгилик яратиш борасидаги ижодий фаолият.

Ўлчов категориялари:

Интуитив фикрлаш - эвристик жараён бўлиб, ҳеч қандай далилларсиз, тўғридан-тўғри фикран ҳақиқатга эришишдаги (масала ечимини топишдаги) ижодий қобилият, мантиқан боғлиқ бўлмаган ёки мантиқан хулоса чиқариш учун етарли бўлмаган изланишлар асосида масала ечимини аниқлаш жараёни.

Интуиция – субъектнинг назарий-амалий фаолияти жараёни давомида тўпланган катта ҳажмдаги билим ва далилларга таянади.

Ижодий фаразлар - инсоннинг шахсий тажрибасида кўрмаган ёки умуман ҳозирги вақтда мавжуд бўлмаган объект ва жараёнлар тўғрисида тасаввур, фараз қила олиш қобилияти.

Фараз қилиш турлари:

- ✓ инсон олдин ўзи кўрган объект тўғрисида тасаввур қилиш;
- ✓ аниқ бошланғич маълумотлар асосида ўз шахсий тажрибасида учрамаган объект ва жараён тўғрисида фараз қилиш;
- ✓ ҳеч қандай аниқ бошланғич маълумотлар бўлмаган ҳолда, ҳақиқатда амалда мавжуд бўлмаган объект тўғрисида фикран фараз («фантазия») қилиш.

Мантиқий қонун ва қоидалар (мантиқий фикрлаш усуллари):

- мантиқий қонун ва қоидалар (айнан ўхшашлик, қарама-қаршилик, етарли асосланганлик қонуниятлари);
- эмпирик-назарий билиш (моделлаштириш, лойиҳалаш);

- назарий билиш (анқлаштириш, абстраклаштириш);
- эмпирик билиш (кузатиш, таққослаш, солишириш) усуллари асосида мантикий характердаги ақлий жараёнлар қобилиятига эга бўлиш.

Билиш-қайтадан яратиш ижодий фаолият босқичлари:

1. Мавжуд обьект (субъект) ҳолатини танқидий фикрлаш, муаммоли вазиятни шакллантириш, аниқ ижодий вазифалар асосида муаммоли вазиятни ўзгартириш (бошланғич маълумотлар, ечимни аниқлашдаги мумкин шароитлар, керакли чекланишлар ва амалга ошириш воситалари, мақсаднинг аниқлиги).
2. Ғояни излаш, ижодий ўзгартириш ва трансформациялаш (бошқа шаклга айлантириш) шартлари ва принциплари.
3. Фикрий тажрибалар натижаси сифатида ишланманинг идеал моделини ишлаб чиқиш.
4. Моделни амалга ошириш бўйича синов-тажриба ишларини ўтказиш.
5. Натижаларни таҳлил ва талқин қилиш ҳамда изоҳлаш.

Ижодий фаолият стратегияси:

- **Тасодифий ташкил этиши стратегияси** – ҳеч қандай режаларсиз тасодифий мўлжаллар асосида тусмоллаб изланиш.
- **Ўхшаш («аналог»)ларни излаш стратегияси** - янги қурилмани яратишда олдиндан маълум бўлган конструкция ёки унинг қисмлари, алоҳида функцияларидан фойдаланиш.
- **Комбинаторли фаолият стратегияси** - асосий кўрсаткичларни сезиларли даражада ўзгартириш мақсадида айрим элементларнинг биргаликдаги ҳолатини текшириш, конструкция деталлари жойини алмаштириб ўрнатиш.
- **Қайта яратиш стратегияси** – конструкциянинг битта деталини ёки бутунлай ўзини ўзгартириш, қайта конструкциялаш ёки тескари конструкциялаш орқали олдингидан фарқланувчи, нисбатан янги моделни излаш.
- **Универсал стратегия-** барча стратегиялардан биргаликда фойдаланиб янгилик яратиш.

Ижодий фаолият тактикаси:

- **Интерполяция (қўшимча киритиш) тактикаси** - механизм ёки қурилма ички қисмига бирор янги элементни (қисмни) киритиш.
- **Экстраполяция тактикаси** - нарса ва ҳодисанинг бирор қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа

қисмига ёйиш ёки тадбиқ этиш, ташқи элемент киритиш, ташқи қайта қуриш.

➤ **Редукция (соддалаштириши, кичиклаштириши) тактикаси** – параметрларни кичиклаштириш.

➤ **Гиперболизация тактикаси** - параметрларни катталаштириш.

➤ **Дублираш (такрорлаш) тактикаси** – маълум деталь ёки унинг функциясидан янги моделда фойдаланиш.

➤ **Кўпайтириши тактикаси** – икки ёки ундан ортиқ деталлар ёки элементлардан битта функцияни бажаришда фойдаланиш.

➤ **Алмаштириши ва модернизациялаш тактикаси** – маълум детал ёки элементларни тўлиқ алмаштириш, янги шароитга мослаш.

➤ **Конвергенция, деформация ва интеграция тактикаси** - икки қарама-қаршиликни бирлаштириш асосида қайта яратиш, унинг таркиби ёки функциясига аниқ ўзгартеришлар киритиш, олдиндан маълум қисмлар асосида янгисини яратиш.

➤ **Асосий детал тактикаси** - битта детални асос қилган ҳолда бошқа барча қимларни яратиш.

➤ **Автономлаш тактикаси** – битта қисмни тўлиқ ажратиб, бошқа қисмларни қайта қуриш.

➤ **Кетма-кет бўйсунши тактикаси** – бирор қисмдан ҳам воз кечмасдан аниқ кетма-кетлик асосида барча қисмларни қайта тузиш.

➤ **Кўчириши ёки силжитиши тактикаси** – обьект чегарасида элементлар жойлашувини ўзгартериш.

➤ **Дифференциациялаш тактикаси** - обьектни маҳсус таркиб ва функцияларга ажратиш.

Бўлажак мутахассислар ижодий фаолиятлари тажрибасини ривожлантириш услублари:

- ✓ ижодий фикрлашни фаоллаштириш;
- ✓ муаммоларни ҳал қилиш малакасини шакллантириш;
- ✓ масала ечимини онгли равишда излаш қобилиятини ривожлантириш.

1. Қийинлаштирилган шароитни қўллаш услуги:

- вактинча чеклаш услуби - фаолиятда вактинчалик омил таъсирини ҳисобга олиш (фаоллик ва натижавийликни кучайтириш ёки камайтириш);

•**қўққисдан тақиқлаш услуби** - стереотип (айнан бир хил) фаолиятни чеклаш мақсадида айрим фаолиятларни бирдан тақиқлаш;

•**тезкор эскизлаш услуби** – ижодий изланишнинг барча варианtlари тасвири;

•**янги вариантлар услуби** - мавжуд бўлган бир неча вариантлар асосида янги вариантни излаш;

•**ахборот етишмаслик услуби** – аниқ ахборотлар етишмайдиган ҳолатлар асосида топшириқларни ечиш;

•**ахборот ҳаддан кўп услуби**- ортиқча ахборотлар мавжуд ҳолатдаги масалаларни ечиш;

•**абсурд услуби** - бажариш мумкин бўлмаган масалаларни ечишга уриниш;

•**қайта кодлаш услуби** – муаммони бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтказиш, фаннинг бир тилидан бошқа тилида тасвирлаш (масалан, математик ифодадан график тасвир кўринишга ўтиш ва б.)

2. Ижодий масалаларни гуруҳий ечиши услуби.

•делфи услуби – бир қанча альтернатив ечимларнинг ҳар бирини баҳолаб, аҳамиятлилига қараб, улар ичидан энг тўғриси танланади;

•«Қора яшик» услуби – бўлиши мумкин камчиликлар ва уларни юзага келиш сабаблари билвосита йўллар билан аниқланади;

•кундаликлар услуби – маълум вақт оралиғида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан туғилган ғоялари ёзиб борилади ва улар гуруҳда таҳлил қилиниб, битта ўртача фикрга келинади;

•6-6 услуби – гуруҳнинг олти аъзоси 6 минутда масала ечими бўйича алоҳида-алоҳида ўз фикрларни ва ўз варианtlарини ёзишади, кейин гуруҳда таҳлил қилиниб, энг муҳими танлаб олинади.

3. Ижодий изланишларни гуруҳли разбатлантириши услуби.

•аклий ҳужум услуби – талабалар ва ўқитувчи биргаликда муаммони муҳокама қилишади ва унинг ечими бўйича ўз ғояларини билдиришади;

•синектика услуби - изланишнинг асосий мақсадини аниқлаш, фараз қилиш, хаёлан масала ечимига ўхшаш варианtlарни аниқлаш;

- морфологик таҳлил ва синтез услуби – масала ечимининг альтернатив вариантиларини жадвал кўринишида руйхати тузилиб, ушбу ечимларнинг бир-бирига яқинлари, мантиқан ўхшашлари ва улар ўртасидаги боғланишлар аниқланади, умумлаштирилиб турли янги вариантилар ҳосил қилинади;
- функционал – қиймат таҳлил услуби – объектнинг хусусияти билан ушбу хусусиятларни таъминловчи харажатлар нисбатини оптималлаштириш, айрим фойдасиз харажатларни қисқартириш мақсадида кўриб чиқиш.

2.12. Лойиҳалар услуби технологияси

Лойиҳалар услуби мажмуали услуг ҳисобланиб, ҳозирги вақтда ўқув жараёнида қўлланилаётган барча инновацион педагогик услубларни ўзида мужассамлаштиради.

Лойиҳалар услуби – ўқитувчи назоратида янги маҳсулот ва хизматлар яратиш жараёнида ўқувчининг интеллектуаль ва жисмоний имкониятларини, мустақиллик ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш йўли орқали шахснинг ўз қобилиятларидан тўлиқ фойдаланишга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этишининг амалий аҳамият касб этувчи, субъектив ва объектив янгиликларга эга мослашувчан модели ва ўқитиш тизимиdir.

III. ЛОЙИХАЛАР УСЛУБИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

3.1. Лойиҳалар услубининг тарихий ва педагогик таҳлили

Лойиҳалар услуби тўғрисида кейинги йилларда кўплаб ўқув-услубий адабиётлар чоп этилмоқда, Лойиҳалар услуби деганда кўпчилик ҳолларда ҳар қандай ижодий ва аниқ амалий фаолият тушунилади. Ушбу услуг талабаларда мустақиллик, жавобгарлик ҳисларини шакллантиради, ўз ҳамкори билан ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли муомула маданиятига ўргатади.

Амалда лойиҳалар услубидан В. Килпатракнинг «Лойиҳалар услуби» мақоласи (1918й) чоп этилмасдан аввал қўлланила бошланган. Айниуса бу услуг амалий аҳамиятга эга бўлган фанларда энг самарали услуг сифатида кенг қўлланилган. АҚШда конструктивизм ғояси, ўқишга муаммоли ёндошув ва тадқиқот услублари амалга ошириладиган ўқув юртларида мустаҳкам ўрин эгаллади. Россияда лойиҳалар услуби 1905 йиллардан маълум бўлган. Педагог С.Т. Шацко раҳбарлигидаги кичик гурух ушбу услубни тарғиб қилишган. Бу услуг Н.К. Крупская томонидан ҳам мактабларда кенг қўлланилган.

Лойиҳалар услуби тарихан анча олдин ўқув жараёнида қўлланилган бўлсада, унинг туб моҳияти, мазмуни, қўлланиш бўйича педагогик технологиялари тўлиқ очиб берилмаган. Амалиётда ижодий иш, қисман амалий фаолият ва лойиҳа ўртасида фарқ деярли асосланмаган. Албатта, ижодий иш ёки лойиҳага бир хил мазмунда қараш, лойиҳалар услубидан амалда кенг фойдаланиш имконини бермайди, аксинча унинг самардорлигини пасайтиради. Шу сабабли, лойиҳалар услубини мазмун ва моҳиятини, қўлланиш соҳаларини ва ушбу услубни амалда қўллаш бўйича тажрибаларни таҳлил қилиб чиқиш талаб этилади.

Лойиҳалар услубини таҳлил қилишдан олдин, Колумбия университети ўқитувчилар коллежи профессори В.Килпатрикнинг 1918 йилда нашр этган мақоласи мазмунига эътибор қаратамиз (**мақола мазмунан таржима қилинди**):

«Лойиҳа» сўзи таълим жараёнига энг кеч кириб келган атамалардан бири ҳисобланади. Ушбу атамани таълим соҳасига киритиш мумкинми?

Бу масалани муҳокама қилишидан олдин қуидаги икки саволга жавоб беришни лозим деб ҳисоблайман:

Биринчидан, ушбу ноаниқ атамада ўрнатилган педагогик дунёқараш шаклини ўзгартириши тушунчаси мавжудми?

Иккинчидан, кафолат бера оламизми, ҳақиқатдан ҳам «лойиҳа» атамаси педагогик технологияда биз ундан талаб этаётган натижсани беришини? Балки «асосий гоя (*purposeful akt*)» атамаси бу мазмунга тўлиқроқ жавоб берар?

Менинг асосий фикрим шундан иборатки, бу атама фаолиятнинг асосий омили сифатида «чин кўнгилдан» (*wholehearted vigorous activity*) бажармоқ маъносини бериши зарур. Шу сабабли, бундай фаолият ўзликни билиш қонуниятларига мос келиши ва этик хулқ-автор меъёрларига жавоб берши лозим. Мен амал қиласидиган асосий принцип, «ўқитиши, бу - ҳаёт!» Бу фикрни айтиши осон, лекин амалда тадбиқ этиши жуда мураккаб. Агар биз истаган услугбук услугга мос ва у билан бир хиллилик касб этса, бундай услугга типик намуна сифатида аниқ ҳаётий мисол қилиб, масалан ҳаётий тажриба, албатта мос ҳолда ўқитишини келтириши мумкин эмасми? Айнан ана шундай ҳаракатни мен «лойиҳа» атамасига киритаман. Келинг, «лойиҳа» ёки «асосий гоя (*purposeful akt*)» атамасига аниқ ҳаётий мисол келтирайлик: Масалан қиз бола кийим тикмоқда. Агар у ўз ишини олдиндан режалаштириб, ўз ишидан қониқиши ҳосил қилиб, илҳом билан ўзи тикса, бу «лойиҳа»га типик мисол бўла олади. Ёки, мактаб газетасини ташкил қилмоқчи бўлган ўқувчи фаолиятини олайлик. Агар у ушбу ишга тўлиқ жиоддий киришига, биз ўз ичига «лойиҳа»ни олган самарали гояга дуч келамиз. Шунингдек, самимий илҳом билан хат ёзаётган ўқувчи ҳаракати, диққат билан берилиб ҳикоя эшиштаётган бола ва б. шу каби фаолиятлар. Бу каби барча ҳаракатлар шахсий қизиқиши, интилиши ва гоя асосида амалга ошиди. Лекин, бу гурухий лойиҳада ўз аксини топмайди, чунки гурухий лойиҳада манфаатлар бир хил бўла олмайди. Фоя мақсаднинг аниқлиги, ҳаракатнинг самимийлиги ва қизиқиши даражаси билан ўзгариб туради. Бу ҳаракатнинг рухий жиҳати бўлиб, амалий ҳаракатларни ва бажарилаётган лойиҳанинг самарадорлигини баҳолашни умумлаштиришини талаб этади.

Биз Америкада кўп йиллар, бизнинг таълим тизимимиз ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашни эмас, балки ҳақиқий ҳаётни акс этишини орзу қилдик.

Тавсиф этилаётган «лойиҳа» услуби бу йўналиши бўйича идеал қадам бўла олади. Бу ҳолатда ўқиши ҳақиқий ҳаётга айланади. Бунда реал гоялар реал амалиётга тадбиқ этилади.

Бу қандай амалга ошади? Масалан, бола учувчи ҳаво илонини яратмоқчи. Ҳозирча у бунга эриша олмаяпди. Мақсад аниқ. Мақсад-бу унинг гояси, яъни у бунга бутун кучи, иқтидори ва билими билан мустақил ҳаракат қиласиди. Муваффақиятга эришиши хоҳиши унинг боши ва қўлини ишлатади. Натижада уни, ёки ўз муваффақиятидан қониқиши, ёки мағлубият кутади ва у умидсизликга тушиб ўз ишидан кўнгли қолади. Бу катта сабаб, асос ҳисобланади. Айтайлик, бошқа бола бу ишини ўқитувчи топшириги асосида бажаради. Бу ўқувчини манфаатига мос келмаслиги мумкин, унга таъсир қилмайди. Бундан тушунарлики, агар натижса муваффақиятли бўлса ҳам, умумий натижса бошқача бўлади. Ўқувчи ўз ҳаракатидан ва ишидан қаноат ҳосил қилмайди, чунки унинг ҳаракати топшириқ асосида амалга ошади.

Гурӯҳий лойиҳада мазмун ва гоя бир вақтда юзага келади. Ўқитувчининг вазифаси вазиятни ва жараённи баҳолаш ҳамда разбатлантириши ҳисобланади. Ўқитувчи демократик шароитни юзага келтиришига интилиши ва секин-аста бу фаолиятда ўз иштирокини камайтира бориши зарур. Агар ўқувчи фаол фаолиятга ўрганса, бундай фаолиятда муваффақият ҳамроҳ бўлади ёки ўқувчи тушкунликка тушади ва тўсиқлар пайдо бўлади. Натижада ўқувчилар муваффақиятли ижтимоий ҳаёт намуналарини биладилар».

Профессор В.Килпатрикнинг ушбу мақоласи мазмуни лойиҳалар услубининг асосий моҳиятини очиб беради.

Ҳозирги кунда лойиҳалар услуби таълим тизимининг барча бўғинларида инновацион педагогик технология ва ўқитиш услуби сифатида, айниқса назарий тадқиқотлар олиб борувчи педагоглар ўртасида кенг ривожланмоқда. Лекин лойиҳалар услубининг мазмуни, унинг ўқув жараёнида тутган ўрни ва фойдаланиш самараси, турли даражадаги ўқув юртларида фойдаланиш имконияти тўғрисида турли хил баҳс-мунозаралар мавжуд. Шунингдек, ушбу услубни келиб чиқиш тарихи ва асосчиси тўғрисида ҳам турли хил қарашлар юзага келган. Масалан, Е.С.Болат ва Н.Ю.Пахомовалар лойиҳалар услубининг асосчиси деб таниқли американлик философ ва педагог Джон Дью (1859-1952й.) деб таъкидлашади. Б.М. Назаренко бу лойиҳанинг келиб

чиқиши тарихини В.Килпатрик, америкалик педагоглар Дж. Кнеллер, К.Гоулд, ва С.Холл эса педагог Р.Стимсон номи билан боғлайди.

Лойиҳалар услубининг келиб чиқишидан ривожланиш давригача ушбу лойиҳа тўғрисида кўплаб аниқ ва тугалланган фикрлар билдирилган. Масалан: меҳнат ўқитиши (К.В.Вудворд, Н.К.Крупская, С.Т.Шацкий), касбий ўқитиши (Н.Е.Эрганова, Г.В.Рогова, Ф.М.Рабинович), дифференциаль ўқитиши (Н.П.Гузик, Е.А.Юнина, И.Э.Уит), шахсга йўналтирилган ўқитиши ((И.С.Якиманская), педагогик ҳамкорлик (В.Ф.Шаталова, В.А.Сухомлинский, И.П.Волков, Л.С.Выготский.)

Лойиҳалар услубининг келиб чиқиши тарихи бўйича И.Г.Ворончихина, М.Кнолль, В.Н.Сенберг каби олимлар илмий-изланиш ишларини олиб боришиган. М.Кнолль ўзининг аналитик ишларида лойиҳалар услуби америка педагогикасида келиб чиқмаганлигини таъкидлайди. Ушбу лойиҳа Италияning архитектура устахоналарида XVI асрларда ёқ юзага келган.

Е.С.Болат лойиҳалар услубининг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихини қўйидаги беш босқичга бўлади:

1. 1590-1765 йиллар. Европанинг архитектура мактаб (устахона) ларида лойиҳалаш фаолиятининг бошланиши;

2. 1765-1880 йиллар. Тизимли педагогик фаолиятда лойиҳадан ўқитиши услуби сифатида фойдаланиш ва америка контингентида ривожланиши;

3. 1880-1915 йиллар. Лойиҳалар услубидан ишлаб чиқариш ўқувида ва умумтаълим мактабларида фойдаланиш даври;

4. 1915-1965 йиллар. Лойиҳалар услубини қайтадан кўриб чиқилиб Европа таълим тизимида қўлланиши;

5. 1965 йилдан ҳозирги вақтга қадар лойиҳалар услуби бўйича янги ихтиrolар ва ушбу услубни халқаро таълим тизимида тарқалишининг учинчи даври.

Ҳозирги даврда лойиҳалар услугига мурожаат қилинишининг сабаби, у инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда муаммоларни ривожланиш даври бўйича таҳлил қилишга имкон беради. Таъкидлаш жоизки, XX аср бошларига қадар ушбу услуг асосан мактабларда ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, яъни ишлаб чиқаришга оид билимларни олишда қўлланилган. Массачусет университети ўқитувчиси Р.Стимсон ўз ўқувчиларини қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш асослари бўйича

ўқитганда, америкалик философ ва педагог Дж.Дью ғояларига таяниб, ўз ўқувчилариға аввал назарий таълим бериб, кейин ушбу назарияни амалиётда құллашни ўргатган.

В.Килпатрик Д.Дьюга нисбатан ҳам күпроқ Э. Торндейк таъсирида бўлган. Э. Торндейконинг «ўқитиш қонуниятлари» га мувофиқ ўқувчининг ўз қобилияти ва шахсий хоҳишига мувофиқ амалга оширилган ҳаракатлари, унга мажбуран маълум топшириқ асосидаги фаолиятга нисбатан күпроқ қониқиши келтиради дейилади. Мана шу қонуниятга мувофиқ В.Килпатрик ўқувчининг психологияси, унинг хоҳиши, қобилияти ўқув жараёнида ҳал қилувчи рол ўйнайди деб хулоса қиласди.

Шу сабабли В.Килпатрик лойихалар услубини «ғояни чин кўнгилдан бажариш (*hearty purposeful akt*)» деб излоҳлади. Лойиха тўғрисидаги унинг типологияси инсон фаолиятининг барча соҳаларига, жумладан математик масалалар ечиш, чет тилларини ўрганиш, музика эшлиши, санъат соҳасида фаолият ёки ишлаб чиқаришдаги фаолият ва б. жабхаларга ҳам таалукли ҳисобланади. Ўзининг замондошларидан фарқлироқ В.Килпатрик лойихани аниқ бир фан соҳаси билан боғламайди.

Д. Дью В.Килпатрикнинг барча фаолиятни бир томонлама, яъни фақат ўқувчининг хоҳиши ва унга тўлиқ мустақиллик берган ҳолда амалга оширилиши лозим деган фикрига эътиroz билдиради. Дью фикрича ўқувчилар ўқитувчи ёрдамисиз ўз лойихавий фаолиятини тўғри амалга ошира олмайдилар. Лойиха ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги фаолияти бўлиши лозим. Д. Дью қўрсатишича ғоя кўпинча импульсив ҳолатда юзага келади ва уни ривожланиши мураккаб кечади. Шу сабабли ҳар қандай лойихавий ғояни амалга оширишда ўқувчи билими ва тажрибаси етарли бўлмайди. Фақатгина ўқитувчи ёрдамида ўқувчи ғоянинг тўлиқ циклини ўйлашга, яъни юзага келиши мумкин бўлган қаршиликлар ва муаммоларни олдиндан аниқлаши, уларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракат режасини тўғри тузиши, ўзларининг бу соҳадаги шахсий тажрибаларини ортдириши ва керакли билимни олиши мумкин. Д.Дью барча ўқитиш услублари илмий билим ва педагогик тажрибага асосланиши лозим деб таъкидлайди.

Лойиха услуги - юзага келган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излашга қаратилган ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги фаолиятидир. В.Килпатрикдан фарқли ўлароқ Д.Дью

ўқувчининг бутун билиш фаолиятини бошқариш ва ташкил этишда ўқитувчининг роли муҳимлигини кўрсатади.

2.2. Лойиҳалар услубининг мазмун ва моҳияти

Замонавий педагогикада лойиҳалар услубига турлича изоҳлар ва тушунтиришлар берилган. Жумладан Е.С.Болат, В.Н.Сternберг, Г.М.Годжаспирова, Н.Ю. Пахомова, М.Л.Сердюклар ўз илмий ишларида лойиҳалар услубининг дидактиқ қирраларини очиб, ўз таърифларини беришган.

Е.С. Болат лойиҳалар услубини «аниқ у ёки бу намуна бўйича тайёрланган, амалий натижалари илмий-назарий аниқланган, тугалланиши тўлиқ реал, муаммонинг (технологиянинг) бутун тафсилотларини ишлаб чиқиш орқали дидактик мақсадга эриши усули» -деб таърифлайди.

В.Н. Стернберг ўз илмий изланишлари натижасида лойиҳалар услуби атамасининг замонавий таърифини «берилган топшириқ ва мавзу бўйича ўқувчининг ижодий иши»- деб таърифлайди.

Ҳозирги кунда лойиҳалар услубини ривожлантириш ва амалиётда ўқув жараёнига тадбиқ этиш, уни замонавий ўқитиш тизими талабларига жавоб берувчи педагогик технология сифатида қараш устида кўплаб илмий-изланиш ишлари олиб борилмоқда.

Лойиҳалар услуби бўйича мавжуд адабиётлар ва илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу услуг алоҳида мустақил услуг сифатида ёки барча ижодий услубларни ўз ичига олган педагогик технология сифатида ҳам тадбиқ этилиши мумкин. Мавжуд педагогик ва услубий адабиётларда ушбу педагогик технология бўйича қўйидаги турли атамаларни учратиш мумкин: лойиҳалар услуби, лойиҳалаш услуби, лойиҳа технологияси ва б. Лекин деярли кўплаб манбаларда «loyiҳalap uslubi» атамаси ишлатилган ва шу сабабли «педагогик лойиҳа» умуман педагогика соҳасидаги лойиҳаларни ўз ичига олади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида қўйидагича хulosса қилиш мумкин: **лоиҳалар услубини дидактиқ нуқтаи назардан қисқа маънода алоҳида услуг деб эмас, балки кенг маънода ўз ичига кўплаб услубларни олган педагогик лойиҳалар технологияси деб қараш лозим.** (Е.С.Болат, М.Ю.Бухаркин, М.В.Моисеева, А.Е.Петров, Н.Ю.Пахомова, С.А.Красносельский, Л.Б.Переверзев, И.Д.Чечель, И.С.Сергеев ва б.).

Лойиха сўзининг моҳиятини ҳисобга олиб лойиҳалар технологияси тўғрисида фикр юритганимизда, биз уни ўқувчининг қандайдир шакл касб этган (материал, матн, интеллектуаль ва б.) натижага эришишга йўналтирилган ўқиш-билим олиш фаолиятини ташкил этиш усули деб қабул қилишимиз мумкин. Замонавий илмий-изланишлар кўрсатадики, лойиҳалар технологияси таълим жараёнида билим соҳасининг барча йўналишларида кенг қўлланилиши мумкин. Ундан ўқув мазмунини ошириш, ўқувчининг билим олишга қизиқиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида деярли барча фанларда фойдаланса бўлади. Ушбу технологиядан фойдаланган таникли педагогларнинг тажрибаси кўрсатишича лойиҳалар технологияси кенг педагогик имкониятларга эга. У дастурий материални тўлиқ ўзлаштиришга, ўз шахсий ўқув фаолиятини тўғри режалаштиришга, ўрганиланаиган фан бўйича амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга, шахсан лойиҳавий кўникма ва малакаларни ривожлантиришга имконият яратади ва замонавий шароитда ўқувчининг шахсий сифатларни ривожлантиради.

Муаммолар ва уларнинг ечимлари натижаларининг амалий тадбиғи лойиҳалар услубини таълим тизимида қўлланилишига янада кенг йўл очади.

Ўқув лойиҳасидан гурухий фаолиятда янада самаралироқ фойдаланиш мумкин. Лойиҳа улубининг моҳиятини ва ундан қандай фойдаланишни аниқ англаш учун лойиҳа тушунчасини куйидаги соҳаларга ажратиш мумкин:

- илмий-техник;
- ижодий;
- ишлаб чиқариш соҳаси;
- ўқув-тарбиявий жараёнларда ўқув лойиҳалари.

Лойиҳалаш- лойиҳани яратиш жараёни - эҳтимол қилинган ёки яратилиши лозим бўлган обьект намунаси, ҳолати.

Бу аниқ бир фаолият бўйича назарий ва амалий билимларни эгаллаш жараёни, усуллар мажмуудир. Бу белгиланган дидактик мақсадга эришишдаги билиш йўли, билиш жараёнини ташкил этиш жараёни ҳисобланади.



1-Расм. Лойихавий фаолият схемаси

Ўқув лойихаси – бу ўқув лойихаси устида ишлаш, аниқ «маҳсулот» (лойиха) кўринишидаги қўзланган мақсадга эришиш жараёнидир.

Педаголар ушбу услугга дидактик вазифаларни ечиш мақсадида ёндошадилар. Таъкидлаш жоизки, бу услуг мажмуали услуг ҳисобланади (лекин, универсал эмас), чунки ундан фойдаланиш бошқа муаммоли услубларни: кичик гурӯхларда ўқитиш, ақлий ҳужум, баҳс-мунозара, муаммога йўналтирилган ролли ўйинлар, рефлексия кабиларни биргаликда қўллашни талаб этади. Ушбу услубларнинг мажмуи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг дидактик тизимини ташкил этади ва касбий компетентликни шакллантиради. Шу сабабли, ушбу технологиянинг қўлланилиши ўқитувчидан инновацион ахборот технологияларни пухта эгаллашни ва алоҳида педагогик маҳоратни талаб этади.

3.3. Лойихалар услубининг таълим тизимидағи ўрни

Лойихалар услубидан таълим тизимида фойдаланиш қўйидаги вазифаларни мукаммал ечишда асосий рол ўйнайди:

- ✓ ўқувчини мустақил танқидий фикрлашга ва маълумотлар устида ишлашга ўргатади;
- ✓ аниқ далиллар ва фан қонуниятларига асосланиб фикрлаш, асосланган хulosалар қилишга ўргатади;
- ✓ мустақил аниқ далиллар асосида қарорлар қабул қилишга ўргатади;
- ✓ турли ижтимоий ролларни бажариб командада ишлаш қобилиятини шакллантиради.

Юқоридаги интеллектуал ва ижтимоий аҳамиятга эга кўникма ва малакалар инсоннинг касбий ва ижтимоий муҳит билан таъсирини белгиловчи фаолиятига, компетентлик гуруҳига киради.

Албатта лойиҳавий фаолият ижодий фаолиятдан фарқ қиласди. Чунки ҳар қандай илмий-изланиш ва интеллектуал фаолият ижодий фикрлашга таянади ва уни ижодий фикрлашсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ижодий фаолият тўғрисида фикр юритилганда, ижодий муаллифлик ғоялари ва уни амалга оширишнинг муаллиф томонидан белгиланган йўллари тушунилади. Масалан, қайсиadir муаллифнинг ижодий иши кимгадир маъқул келиши, яна кимгадир маъқул келмаслиги ҳам мумкин. Чунки бу битта муаллиф ғояси ва ижоди ҳисобланади. Лойиҳалар услубида эса бошқача. Бу ерда муаммони ҳал этишда тадқиқотнинг илмий усулларидан фойдаланилади ва уни амалга оширишнинг объектив шароитлари, баҳолашнинг аниқ мезонлари мавжуд бўлади, Танланган услуб аниқ далиллар, назария, билим, кузатиш ва тажриба маълумотларига асосланади.

Талабалар лойиҳа устида аниқ иш мисолида командада (жамоада) ишлашни ўрганишлари, яъни навбат билан лойиҳанинг барча натижалари учун масъул, келишилган ҳолда охирги қарорни қабул қилувчи, топшириқларни гуруҳ ўртасида тақсимловчи раҳбар ролида ёки ўз ҳамкорларини тинглаш, муқобил қарорларни кўра билиш, ўзига берилган топшириқни бажарувчи ходим ролини ўйнаб тажриба ортиришлари лозим. Албатта ҳар қандай мутахассис ўз соҳаси бўйича маълумотлар билан ишлашни билиши, берилган топшириқ бўйича маълумот тўплай олиши, ундаги кўрсаткичларни олдингилари билан солиштира олиши, асосланган хulosалар қилиши, умумлаштириши, баҳолаши, олинган билимлардан муаммолар ишлаб чиқишида фойдаланиши, уни чизма ёки аниқ буюм сифатида тайёрлаши ёки ишлаб чиқишига таклиф киритиши, илмий ҳисбот тайёрлаши, ўз далиллари ва фаолияти

натижаларини ишонч билан тақдим эта олиши зарур. Лойиҳавий фаолиятда муаммони ечиш учун турли соҳадаги билимлар мажмуудан умумлашган ҳолда фойдаланиш талаб этилади. Бу ҳар қандай бўлажак мутахассис учун зарур ва қимматли компетентлик ҳисобланади.

Лойиҳалар услуби талабаларда касбий компетентликни шакллантириш билан бир қаторда жамоада ишлаш маданияти, лойиҳа бўйича биргаликда фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий компетентликни ҳам шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Кўпинча лойиҳа устида ишлашда тажрибавий, ижтимоий (сўров, анкета, сухбат ташкил этиш ва б.), нисбий-таққослаш услуби, математик ва баъзан олинган натижаларни статик ишлов бериш каби кўшимча тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади. Бундай шароитда тегишли мутахассисларни жалб этиш тақоза этилади. Бундай фаолиятни ташкил этиш, бошқа мутахассисларни, керакли асбоблар ва материалларни топиш –лойиҳа раҳбари (лидер), координатори вазифаси ҳисобланади. Бу муомула маданияти, коммуникатив компетентлик соҳасига киради.

Семинар машғулотларида ўқитувчининг анъанавий саволларига талабалар томонидан зерикарли жавоблар бериш услубидан воз кечиб, ўрганилаётган муаммо-масала ечимлари усулларининг муҳокамаси бўйича баҳс-мунозаралар ташкил этиш, янги саволларни юзага келтириш, оралиқ натижалар асосида изланувчи лойиҳавий гурӯҳ фаолияти бўйича тақдимотлар ташкил этиш зарур ҳисобланади.

Муаммолар ечими усулларини ёрқин намойиш этувчи «ролли ўйинлар» услуби семинар машғулотларининг умумий методологиясини ташкил этади.

Бунда Интернет ресурслар ва хизматлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим, яъни муаммони нафақат аудитория доирасида, балки бошқа олий ўқув юртлари талабаларининг ҳам ушбу муаммо ечими бўйича фикрларини билиш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда глобал тармоқда талабаларнинг муҳим касбий муаммоларни муҳокама қилиш, биргаликда лойиҳа устида ишлашга мўлжалланган кўплаб талабалар учун интернет- кафелар ва форумлар мавжуд. Тармоқда университетлар вақти-вақти билан мутахассислар ва талабалар учун турли мавзуларда телеконференциялар ташкил этишмоқда.

Анжуман форумларида унинг материаллари жойлаштирилган. Ушбу материаллар билан танишиш ёки бевосита бундай анжуманларда иштирок этиш, лойиҳавий фаолият учун муҳим бўлган материалларни олишга имкон яратади.

Курс ишлари лойиҳавий фаолият ҳисобланиб, талабанинг мустақил назарий ва амалий ўкув иши натижасидир. Курс ишини гуруҳли фаолият шаклида ташкил этиш мақсадида, йирикроқ муаммога бағишлиланган мавзуни бир неча (3 ёки 4 нафар) талабага бериш, бунда ҳар бир талабанинг вазифасини аниқ кўрсатиш янада самаралироқ бўлади. Ҳар бир талаба ўз вазифасини бажаргач, улар гуруҳли ҳолда ишни умумлаштиришади, хулосалар тайёрлашади ва бу билан ўзларининг ижтимоий ва коммуникатив компетентлик даражаларини ривожлантиришади.

Бўлажак мутахассиснинг лойиҳавий фаолиятида ўзининг ва ҳамкорининг фаолиятини ўзи баҳолашга асосланган рефлексив босқични кўзда тутиш муҳим ҳисобланади. Бу ижодий гурухнинг ва ўзининг муваффақиятга эришиш ёки муваффақиятсизлик сабаблари устида ўйлашга, келажак учун керакли хулосалар чиқаришга имконият беради.

Лойиҳалар услуби мазмун ва моҳияти ва унинг таълим тизимидағи ролининг таҳлиллари асосида, унинг ўкув жараёнида самарали қўллаш усуллари тўғрисида тўхталамиз.

1-жадвал

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида лойихалар услуби

Ташкилий шакллар	Фалоият турлари			
Маъруза	Муаммоли вазият ташкил этиш	Аниқланган муаммо уни ҳал этиш усуллари бўйича ақлий хужум	Мухокама. Фаразни аниқ ифодалаш. Тадқиқод топшириқларини гурух бўйича тақсимлаш	Лойихавий фаолиятни режалаштириш. Тадқиқот вазифаларини гурух ичida таксимлаш
Семинар машғулотлари	Кичик гурӯхларда ҳамкорликда қарама-қарши фикрлар мұхокамаси	Эвристик сұхбат	Баҳс-мунозара	Ишчан ўйинлар. Тақдимот.
Лаборатория, амалий машғулотлар	Назарий олинган билимларни амалда қўллаш	Чизмалар, техник топшириқ, лойиха сметасини ишлаб чиқиш	Махсулотнинг реал намунасини яратиш	-
Лойиха химояси	Биргалиқдаги тадқиқотларда олинган натижалар тақдимоти	Далиллаштириш, асослаш	Тақриз олиш, мұхокама ва баҳс	Рефлексия (ўз-ўзини баҳолаш). Гурӯхнинг лойихавий фаолиятини ташқи баҳолаш.
Курс ишлари	Бажариладиган лойиха доирасида олинган назарий билимларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, уни баҳолаш	Ўтказилган тадқиқотлар ва тажриба иши натижалари баёни	Олинган натижаларни баҳолаш, реал амалиётда уни тадбиқ этиш имкониятлари	Рефлексия: қабул қилинган қарорни баҳолаш (ўз-ўзини баҳолаш), оқибатларини олдиндан кўра билиш.

IV. ЛОЙИХАВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш принциплари

Юқорида таъкидланганидек лойиҳалар услуби бошқа билим соҳаси ва бошқа фаолиятга ҳам таалуқли компетентликни ҳам шаклланишига имконият яратади. Ушбу компетентлик қайси фан соҳасига тегишли эканлиги муҳим ҳисобланмайди. Муҳими талаба ундан ўзининг билиш жараёнида, келажақдаги касбий фаолиятида ва умуман ўз ҳаётида фойдаланишга тайёр бўлишидадир. Асосийси, бу ерда ўқиш ва билишнинг умумий йўналиши «Мен (фан) тўғрисида биламан» ибораси «Мен қандай ҳаракат қилишни, яъни фаолият усулларини биламан» деб алмашиши зарур.

Савол туғилади: лойиҳалар услуби шундай мажмуали ва турли муаммоли усулларни тадбиқ этиш имконини берса, бутун ўқув жараёнини ушбу услугуб асосида ташкил этиш мумкинми? Таъкидлаш лозимки, услугуб деганда биз кўзланган дидактик мақсадга эриши усулларини тушунамиз. Лойиҳалар услуби бир томондан муаммо ва унинг ривожланишини, иккинчи томондан муаммо ечими бўйича аниқ маҳсулот мисолида қарор қабул қилиш, уни амалга оширишни кўзда тутади.

Юқоридагиларга боғлиқ ҳолда лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш ўқитувчидан қўйидаги тайёргарликларни талаб этади:

1. Лойиҳавий фаолият асосидаги муаммони аниқлаш. Лойиҳалар услубидан фойдаланишнинг энг асосий томони - талабага муаммо бошқа муаммоли услублардагидек тайёр ҳолда берилмайди, балки бир қанча усуллар, кўргазмали воситалар ёрдамида муаммонинг талаба томонидан мустақил таърифи ва муаммоли вазиятлар орқали уни ечиш фарази (гипотеза) шакллантирилади.

«Муаммоли вазият – муаммо – талаба учун муаммоли вазифа» лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш кетма-кетлик занжири ана шундан иборатdir. Бунинг учун муаммоли вазият дарслиқдан олинмасдан, хақиқий ҳаётий фаолиятни акс этиши зарур. Бундай муаммоли вазиятларни ёки оммавий ахборот воситалари ёрдамида ёки шахсий тажриба асосида шакллантириш мумкин. Бундай вазиятда муаммо етарли даражада тўлиқ ёки ноаниқ шаклда келтирилиши мумкин. Бу талабаларнинг муаммони аниқлаш ва шакллантириш қобилиятларига боғлиқ. Дидактикада талабаларнинг

мустақил фикрлаш қобилиятларини шаклланганлик даражасига боғлиқ ҳолда муаммоларни қўйидаги турли даражалари ишлаб чиқилган:

1-даражা. Ўқитувчи томонидан ўқув материалларини муаммоли баён этиш.

2-даражा. Ўқитувчи муаммоли вазият ҳосил қиласди ва талабалар билан биргаликда муаммо таърифини шакллантиради.

3-даражा. Ўқитувчи муаммоли вазият келтириб чиқаради, талаба муаммонинг таърифини мустақил келтиради.

4-даражा. Талабанинг тўлиқ мустақиллиги таъминланади, талаба муаммоли вазиятлар асосида муаммони аниқлайди, уни ечиш йўлларини излаб топади.

Ўқув вазиятидаги муаммоликнинг юқори даражасини рус олимаси И.А.Зимняя қўйидигича таърифлайди: «*Инсон (талаба) муаммони (вазифани) ўзи шакллантиради, ўзи уни ечиш йўлларини топади, муаммони ҳал қиласди ва ушибу ўз ечимнинг тўғрилигини ўзи назорат қиласди. Муаммоли фаолият тўртинчи даражага тўлиқ мос келади, бошқа даражаларда эса талабалар ушибу фаолиятга тайёрланишиади. Чунки улар ўта мураккаб фикрлаш талаб этиладиган вазифаларни мустақил ёки ўзи шахсан, ёки ҳамкорлар билан биргаликда ечиш қобилиятига эга бўлишилари зарур*».

Таълим ютуқларини халқаро тадқиқ қилиш PISA мутахассислари томонидан муаммоларни ечиш соҳасида компетентлик даражасига қўйилган талабларда қўйидагилар кўрсатиб ўтилади:

Муаммони тушуниш. Матн, диаграмма, схема, формула, жадвал, кўринишидаги маълумотларни тушунишда билим ва маҳоратлардан фойдаланиш, турли манбалардан олинган маълумотларни умумлаштириш.

Муаммо тавсифи. Муаммода қатнашувчи ўзгарувчиларни ва улар ўртасидаги боғланишларни аниқлаш, гипотезалар қуриш, маълумотларни танқидий баҳолаш.

Муаммони ифодаламоқ. Муаммони ифодалаш шаклини ишлаб чиқиш, ифодалашнинг бир шаклидан бошқасига ўтиш.

Муаммони ечиш. Кўйилган муаммо шартларига мос ҳолда унинг ечими бўйича қарорлар қабул қилиш, тизимни таҳлил қилиш, мақсадга эришиш режасини тузиш.

Қарор устидан фикрлаш, муроҳаза юритиш. Ишлаб чиқилган қарорни тадқиқот қилиш, зарур ҳолларда қўшимча маълумотлар ахтариш, қарорни баҳолаш.

Муаммони ечиши қарори бўйича ахборот берии. Олинган натижаларни тақдим этиш шаклини танлаш ва бошқаларга тушунарли тилда баён этиш.

Фан бўйича маъруза машғулотида ўқитувчи муаммоли вазият юзага келтиргач, «Ақлий ҳужум» услубидан фойдаланиб, талабаларга ушбу муаммони юзага келиш сабаблари бўйича ўз фикрларини билдиришларига шароит яратиши лозим.

Муаммоли вазиятни ифода этиш билан бир вақтда, ўқитувчи олдиндан «Ақлий ҳужум» йўналиши қай тарзда кетишини режалаштириши, талабаларга муаммо юзасидан ўз фикрларини, ечим йўлларини эркин баён қилишларига шароит яратиши лозим.

Ушбу муаммоли вазиятларни келиб чиқиш сабабларининг барча варианtlари ва унинг ечими ҳеч қандай изоҳларсиз доскага ёзилиши ва кейин муҳокамага ўтилиши керак. Ҳар бир тақлиф муаллифи ўз фикрини аниқ далиллар асосида турли соҳадаги (фанлар) билимлар асосида ишончли баён этиши, ўқитувчи эса йўналтирувчи ёки қарши саволлар бериб бориши, лекин ҳеч вақт аудиторияга босим ўтказмаслиги лозим. Мана шундай муҳитда муаммо ечими бўйича бир неча фаразлар асосий сифатида ажратиб олинади ва унинг ечими маърузада очиқ қолдирилади.

Семинар ёки амалий машғулотда ажратиб олинган муаммолар ва уларнинг ечими бўйича варианtlар, фаразлар кичик групкаларда ҳамкорлик асосида кўриб чиқилади ва тадқиқ қилинади. Лойиҳа қатнашчилари ўзаро топшириқ ва ролларни ўзлари ўзаро тақсимот қилишади, тадқиқот натижаларини ифода этиш, яъни якуний «маҳсулот» яратиш шаклини белгилайдилар.

Ўқитувчи қўшимча маълумотлар манбаларини айтиши ёки талабанинг мустақил фикрлаши учун керакли йўналишга бошқариши мумкин. Натижада талабалар мустақил кичик груп бўйича ҳамкорликда муаммони таҳлил қилишлари ва бу лойиҳалар услубининг оралиқ шарти бўлсада уни ечишга ҳаракат қилишлари лозим.

Энг муҳими муаммони тўғри қўра билиш, муаммо устида бош қотириш ва фикрлаш, бошқа соҳалардаги ўз билимларидан ҳам фойдаланиш зарур. Ана шунда фанлар ўртасидаги боғланиш ҳам ўз ўрнини топади. Муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлларини излашдаги барча муҳокамалар баҳс-мунозара шаклида ташкил этилиши лозим. Ўқитувчи масала ечимининг барча босқичларида қатнашиши, керак бўлганда маълумотлар излашда маслаҳатлар

бериши, баҳс-мунозарада иштирок этиб, уни тўғри йўналишга бошқариши, талабаларнинг фикрларини дикқат ва ҳурмат билан тинглаши ва ўз авторитетидан фойдаланиб ҳеч қандай босим ўтказмаслиги керак. Лойиҳалар услуби ҳар доим маълум вақт оралиғида талабаларнинг шахсан, жуфт ва гурухий мустақиллигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Юқорида таъкидланганидек лойиҳалар услубини ўқув машғулотларида қўлланилиши талабалардан таҳлил қилиш, таққослаш, синтез (ходисаларни ўзаро боғлаб, текшириш), фикран тадқиқот, олдиндан баҳолаш, маълумотларни излаш, уни баҳолаш ва шу каби бир қанча интеллектуаль малакаларга эга бўлишни талаб этади. Асосийси талабалар маълумотларнинг турли манбаларидан фойдаланиш, жамоа таркибида ишлаш, муаммо ечимининг турли усулларини биргаликда муҳокама қилиш, нафақат ўз фикрини маъқуллаш, балки гуруҳдаги бошқа ҳамкорлар фикрини ҳам ҳурмат билан тингллаш, таҳлил қилиш ва умумий хулоса чиқаришни ҳам билишлари шарт.

Лойиҳалар услуби ҳар қандай мураккаб дидактик вазифани бирдан ечишга мўлжалланган универсал услугуб эмас. У бир бутун дидактик тизим бўлиб, шахсга йўналтирилган таълимни ташкил этишнинг бир элементи ҳисобланади.

4.2. Лойиҳа таркибини аниқлашнинг умумий йўналишлари

Амалий тажрибанинг кўрсатишича ўқитувчи учун муаммони шакллантириш ва уни талабалар эътиборига улар мустақил ҳал қилишлари учун тўғри етказа билиш мураккаб ҳисобланади. Кўпинча муаммо муҳокама мавзуси билан алмаштирилиб юборилади. Лекин муаммо мавзудан фарқ қилиши ва ҳар доим қарама-қарши фикрлар асосида тузилиши ҳамда муаммо ечимининг турли вариантлари юзага келиши зарур. Мана шу ўрганилиши ва таҳлиллар асосида ечими топилиши талаб этиладиган қарама-қарши вазиятни юзага келтириш билан талабалар ҳаётда у ёки бу фаолият жараёнида ҳар қадамда тўғри келиши мумкин бўлган касбий муаммоларни ечиш йўлларини амалий ўрганадилар. Шунингдек талаба муаммо ечимини излашда ўз билими, уқуви, малакаси, тўплаган маълумотларининг қанчалик даражада етарли ёки кам эканлигини ўзи баҳолайди ва келажакда мустақил ўрганиши лозим бўлган масалалар ва мавзуларни аниқлаб олади.

Лойиҳа таркибини шакллантиришнинг қуидаги асосий йўналишларини кўрсатишмиз мумкин:

1. Лойиҳа мавзуси ва турини танлаш, қатнашчилар сонини аниқлаш.

2. Белгиланган мавзу доирасида муаммо вариантларини ўйлаш ва белгилаш.

3. Гурӯҳ бўйича вазифаларни тақсимлаш, тадқиқот усулларини муҳокама қилиш, маълумотларни излаш, ижодий қарорлар қабул қилиш.


4. Лойиҳа иштирокчиларини ўзларининг шахсий ёки гурухий тадқиқот ва ижодий вазифалари бўйича мустақил ишлаши.

5. Олинган маълумотларни гуруҳда оралиқ муҳокамаси (машғулотда, илмий тугаракларда, АРМда гурухий ишлаш давомида ва б.).

6. Лойиҳа ҳимояси ва танқидий муҳокама.


7. Якунлаш, ташқи баҳолаш, олинган хulosалар ва натижаларнинг келажақдаги ўрнини белгилаш, ривожланишини олдиндан баҳолаш.

Лойиҳавий фаолият бир неча машғулотни эгаллаши, айрим ҳолларда узоқ давом этиши ва шахсий ёки гурухий шаклларда бўлиши мумкин. Лойиҳани кўриб чиқиша ҳар бир лойиҳа иштирокчисига рол тақсимланади ва улар ўзларига берилган вазифани бажаришади. Айнан муаммонинг ушбу қисмини у тўлиқ билади, лойиҳанинг бошқа жиҳатларини натижга гуруҳда муҳокама қилинганда билади. Шу сабабли лойиҳа фаолияти бутун билиш жараёнининг стратегияси деб эмас, балки услугуб сифатида қаралади. Бу жуда сермеҳнат фаолият бўлиб, ўқитувчидан ва талабалардан катта куч ва вақт талаб этади. Талабалар бир вақтда битта муаммо устида ишлаш имкониятига эга бўлишлари, муаммога чуқур кириб боришлари, қўшимча маълумотлар билан ишлашлари, ҳамкорлар билан жараён муҳокамасини билишлари зарур. Ижтимоий ёки касбий соҳадаги битта лойиҳавий фаолиятга оид муаммони эмас, балки муаммолар мажмуини кўриб чиқиш анча муҳим саналади. Бундай муаммолар бир неча фан бирлашмасида (горизантал) ёки бир фан доирасида вақт бўйича босқичма-босқич кўриб чиқилиши мумкин. Бундай ҳолатда битта муаммо ечими иккинчи муаммо ечимини ҳам кетма-кет аниqlанишини талаб этади ва бунда билиш интеграцияси муҳим рол ўйнайди.



2-Расм. Лойихавий фаолиятни ташкил этиш босқичлари

Үқув жараёнида бир неча фан доирасида муаммолар мажмуи ўрганилганда таълим муассасаси томонидан ўқув лойихаларини ташкил этиш ва ўтказиш жадвали тузилади. Унда лойиха тури, бошланиш ва тугаш вақти ҳамда лойихавий фаолият координатори кўрсатилади. Лойиха фаолияти тугагач умумий лойиха бўйича илмий-амалий анжуман ташкил этилади ва унда лойиха бўлимлари бўйича тақдимотлар қилинади ҳамда умумий муаммо мухокама қилиниб, хуласалар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилади. Ҳар қандай таълим муассасасида лойихавий фаолиятни ташкил этишда албатта илмий тугараклар ҳам ташкил этилиши ва унда талабалар ўзлари қизиқкан муаммолар бўйича тадқиқот ҳамда лойихавий фаолиятларини давом эттиришлари керак.



3-Расм. Таълим муассасининг лойиҳавий фаолияти дастури

4.3. Лойиҳалар услубидан фойдаланишга қўйилган асосий талаблар

1. Муаммонинг тадқиқот ва ижодий аҳамиятга эгалиги, интегрирлашган билим ва муаммо ечимида тадқиқот-изланишини талаб этиши.

2. Эҳтимол қилинган натижаларни амалий, назарий ва билим олишдаги аҳамияти.

3. Талабанинг мустақил фаолияти (шахсий, жуфтликда ва гурӯхда).

4. Лойиҳа мазмунини тузиш (босқичма - босқич натижалар кўрсатилган ҳолда).

5. Аниқ ҳаракат кетма-кетлиги кўрсатилган тадқиқот услубларидан фойдаланиш:

■ муаммони ва ундан келиб чиқадиган тадқиқот вазифаларини аниқлаш;

■ муаммо ечими бўйича фаразлар талқин қилиш;

■ тадқиқот услублари муҳокамаси (маълумот, далиллар таҳлили, статистик ва тажрибавий услублар, кузатиш ва б.);

- ▢ охирги натижани баён этиш усуллари мұхокамаси (тақдимот, ролли үйинлар, видеоклип, маъруза ва б.);
- ▢ олинган маълумотларни йиғищ, тизимлаш ва таҳлил қилиш;
- ▢ якунлаш, натижаларни қайд этиш ва тақдимот;
- ▢ хуласалар ва янги муаммолар талқини.

Лойиха устида рациональ ишни ташкил этиш учун унинг туркумини (типовиясини) билиш талаб этилади. Лойиҳаларни туркумлашда умумдидактик ёндошув лозим. Ҳар бир фан соҳасида ушбу туркум фан хусусиятларини ҳисобга олиб аниқланиши мүмкін.

4.4. Лойиҳалар туркуми

Лойиҳаларни туркумлашда уларнинг қўйидаги белгилари ҳисобга олинади:

1. Лойиҳадаги устун фаолият (тадқиқот, изланиш, ижодий, ролли, амалий):

- тадқиқий, амалий-мўлжалли, ролли үйинлар, ахборот, ижодий лойиҳалар.

2. Фан-мазмуни соҳаси.

- монолойиҳа (бир билим соҳаси доирасида);
- фанлараро лойиҳа.

3. Мулоқат усули, лойиҳавий фаолият жараёнида:

- бевосита мулоқат;
- коммуникацион технология (телеқоммуникацион лойиҳа).

4. Лойиҳа координацияси характери (қаттиқ, мосланувчан), яширин (аниқмас, лойиҳа қатнашчисини имитацияловчи, масалан, телеқоммуникацион лойиҳаларда):

- аниқ координацияли лойиҳалар;
- яширин координацияли лойиҳалар (телеқоммуникацион лойиҳалар).

5. Мулоқат характери (гурухда, битта ўқув юрти доирасида, шаҳар, вилоят, давлат ва халқаро):

- ўқув юрти доирасидаги лойиҳалар;
- минтақавий лойиҳалар;
- халқаро лойиҳалар (телеқоммуникацион лойиҳалар).

6. Лойиҳа қатнашчилари сони:

- шахсий (бир киши);
- икки киши;

- гурӯҳли.

7. Лойиҳа давомийлиги.

- қисқа муддатли (бир неча машғулотга мўлжалланган);
- ўрта (бир ойдан ярим йилгача);
- узоқ муддатли (ярим йилдан бир йилгача).

Таъкидлаш жоизки лойиҳалар машғулотлар вақтида ёки дарсдан ташқари ҳам бажарилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лойиҳанинг асосий қисми талабанинг мустақил дарсдан ташқари вақтдаги фаолияти бўлиши керак. Бу қўшимча маълумотларни излаш, уни таҳлил қилиш, муҳокамага тайёрланиш, ҳамкорлар билан машғулотда баҳс-мунозараларга тайёрланиш билан боғлиқдир.

4.5. Лойиҳалар турлари

Юқорида келтирилган туркумнинг биринчи белгиси доирасига қуйидаги лойиҳаларни киритиш мумкин:

- тадқиқий лойиҳалар;
- ижодий лойиҳалар;
- ролли-ўйинли лойиҳалар;
- ахборот лойиҳалари;
- амалий лойиҳалар.

Тадқиқот лойиҳалари. Бундай лойиҳалар аниқ мақсад кўрсатилган, иштирокчиларнинг барчаси учун тадқиқот предмети долзарблиги таъминланган, ижтимоий аҳамиятли, услублар, шу жумладан тажрибалар сони, натижаларга ишлов бериш усуслари белгиланган шаклдаги пухта ўйланган таркибга эга бўлади. Улар тадқиқот мантиқига тўлиқ бўйсунади ва таркиб жиҳатдан ҳақиқий илмий –тадқиқот ишларига деярли ёки тўлиқ мос келади. Ушбу лойиҳаларда қуйидаги босқичлар бажарилиши талаб этилади:

- ❖ тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблигини асослаш;
- ❖ тадқиқот муаммосини аниқлаш;
- ❖ қабул қилинган мантиқий кетма-кетликка асосан тадқиқот вазифаларини белгилаш;
- ❖ тадқиқот усусларини аниқлаш;
- ❖ ахборот манбаларини аниқлаш;
- ❖ белгиланган муаммони ечиш гипотезасини илгари суриш, баён этиш;
- ❖ гипотезани ечиш йўлларини аниқлаш;

- ❖ олинган натижаларни мухокама қилиш;
- ❖ хуросалар тайёрлаш;
- ❖ тадқиқот натижаларини расмийлаштириш;
- ❖ кейинги тадқиқотлар учун янги муаммоларни белгилаш.

Ижодий лойиҳалар. Маълумки ҳар қандай лойиҳа ижодий ёндошувни талаб этади. Лойиҳа типини аниқлашда доминант, яъни энг устун белгилар ҳисобга олиниши зарур. Ижодий лойиҳалар натижаларни шунга мос ҳолда расмийлаштиришни кўзда тутади. Бундай лойиҳалар лойиҳа иштирокчиларининг биргаликдаги фаолиятида батафсил, ҳар бир элемент таҳлили кўзда тутилган таркибни талаб этмайди, асосий эътибор охирги натижага берилади ва гуруҳий фаолият мантиқига бўйсунади. Бундай ҳолда режали натижа ва уни тақдимот қилиш усули келишиб олинади. Шу сабабли лойиҳа натижаларини расмийлаштириш аниқ, пухта ўйланган таркибни талаб этади.

Ролли, ўйинли лойиҳалар. Бундай лойиҳаларнинг аниқ таркиби лойиҳа бошида тахминан белгиланади ва лойиҳа якунига қадар очик туради. Лойиҳанинг мазмуни ва характеристига мос ҳолда қатнашчилар маълум бир ролни олишади. Бунда лойиҳа муаммосига мос ҳолда келиб чиқадиган ишчи ёки ижтимоий муносабатларни касб этган муаммоли вазиятлар бўлиши мумкин. Бундай лойиҳаларнинг натижаси ё лойиҳа бошида белгиланади, ёки лойиҳа давомида шаклланади. Бунда ижодийлик (талабанинг ижодий қобилияти) даражада жуда юқори туради, лекин устун фаолият тури ролли-ўйин ҳисобланади. Оддий ролли-ўйинлардан лойиҳавий фаолият касб этган ролли-ўйинларда, қатнашчилар фақат аниқ олдиндан белгтланган ролни ўйнашмайди, балки турли манбалардан ўз роли бўйича маълумотларни тадқиқ қиласди, муаммоли вазиятни ва унинг эҳтимолли ечимларини очиб беришга интилади. Бу билан ўзининг нутқ ва муомула маданиятини кўрсатади ҳамда бойитади.

Ахборот лойиҳалари. Бу лойиҳа кенг аудиторияга мўлжалланган бўлиб, иккиласмчи матнни яратиш мақсадида дастлаб қандайдир обьект ёки ҳодиса тўғрисида маълумот йиғиши, лойиҳа иштирокчиларини ушбу маълумот билан таништириш, уни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида амалга оширилади. Бундай лойиҳалар тадқиқий лойиҳалар каби пухта ўйланган таркибга эга бўлиб, лойиҳавий фаолият давомида унга тизимли тузатишлар

киритиш имконини беришни талаб этади. Бундай лойиҳанинг таркиби қўйидагича белгиланиши мумкин:

- ✓ лойиҳа мақсади;
- ✓ долзарблиги-ахборотлар манбаи (адабиётлар, ОАВ, маълумотлар базаси, шу жумладан электрон, интервью, анкеталаш, шу жумладан чет эл ҳамкорларни, «Ақлий ҳужум» ташкил этиш ва б.);
- ✓ маълумотларни қайта ишлаш (таҳлил, умумлаштириш, олдин маълум далиллар билан солиштириш, хulosани асослаш);
- ✓ натижа (мақола, реферат, маъруза, видеоматериаллар ва б.);
- ✓ тақдимот (нашр этиш, шу жумладан электрон тармоқда, телеконференцияда муҳокама ва б.).

Бундай лойиҳалар кўпинча тадқиқий лойиҳаларни тўлдириб, унинг бир қисми, модули сифатида ҳам бўлиши мумкин.

Ахборотларни излаш ва уларни таҳлил қилиш мақсадидаги тадқиқот таркиби фанга оид тадқиқотга ўхшайди ва қўйидаги кўринишда бўлади:

- ❖ ахборотларни излаш предмети;
- ❖ излаш босқичларини белгилаш ва оралиқ натижаларни қайд этиш;
- ❖ йиғилган далилларга аналитик ишлов бериш;
- ❖ хulosalaш;
- ❖ дастлабки йўналишни тузатиш (агар талаб этилса);
- ❖ тузатилган йўналиш бўйича ахборотларни излаш;
- ❖ янги далиллар таҳлили;
- ❖ умумлаштириш;
- ❖ натижалар (loyiҳa қatnaшchilarinинг барчasiни қanoatlanтирадиган даражадаги);
- ❖ хulosalar, натижаларни расмийлаштириш (муҳokama, taҳrirlaш, taқdimot, tashқi баҳolash).

Амалий лойиҳалар. Ушбу лойиҳаларда талаба фаолиятининг натижаси лойиҳа бошидаёқ аниқ белгиланган бўлади. Лойиҳа натижасини белгилашда албатта талабанинг ижтимоий манфаатлари ва қизиқишлиари ҳисобга олинади. Бундай лойиҳа пухта ўйланган таркибдан иборат бўлиб, унда ҳар бир қatnaшchinинг функцияси белгиланган ҳолда барча қatnaшchilar фаолиятининг сценарияси тузилади.

Бу ерда лойиҳа координация ишларини яхши ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Унда босқичма-босқич муҳокама, биргаликда ва шахсий таҳrir қилиш асосида олинган натижалар тақдимотини

ташкыл этиш ва уни амалиётга тадбиғи, лойиҳани тизимли ташқи баҳолашни ташкыл этиш кабилар координатор режасига киритилади.

Туркум бўйича иккинчи белгига мансуб лойиҳаларга қуидагилар киради:

- монолойиҳалар;
- фанлараро лойиҳалар.

Монолойиҳалар. Қоидага мувофиқ бундай лойиҳалар битта фан доирасида ташкыл этилади. Бунинг учун фаннинг энг мураккаб бўлими ёки мавзу олинади ва бир неча машғулот давомида лойиҳа амалга оширилади. Албатта монолойиҳа устида ишлаш бошқа фанлар бўйича олинган билимлардан ҳам фойдаланишни назарда тутади. Бунда лойиҳанинг мақсади ва вазифаси аниқ белгиланиши билан бир қаторда лойиҳа натижасида талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар ҳам режалаштирилади.

Ҳар бир гурух учун дарснинг мантиқий режаси ишлаб чиқилади. Қатнашчилар ўртасида вазифаларни талабаларнинг ўзлари тақсимлайдилар ва мустақил тақдимот шаклини белгилайдилар. Кўпинча бундай лойиҳалар шахсий ёки гурухий қўринишда дарсдан ташқари вақтларда ҳам (масалан илмий тугаракларда) давом эттирилади.

Фанлараро лойиҳалар. Бундай лойиҳалар асосан дарсдан ташқари вақтларда бажарилади. Бу бир неча фан доирасидаги унча мураккаб бўлмаган лойиҳа ёки давомли умумий таълим муассасаси доирасида маълум мураккаб масала ечимиға қаратиган лойиҳа бўлиши ҳам мумкин. Лекин лойиҳа натижаси барча иштирокчилар учун аҳамиятли бўлиши зарур. Бундай лойиҳалар мутахассислар томонидан жуда малакали координацияни талаб этади. Чунки лойиҳа аниқ белгиланган тадқиқот вазифаларига эга, оралиқ ва якуний тақдимот шакли мукаммал аниқланган бир неча ижодий гуруҳлар билан амалга оширилади.

Лойиҳа вақтидаги мулоқат усулига қараб лойиҳавий фаолият гуруҳда ёки бир таълим муассасаси доирасида бўлиши мумкиин. Минтақавий ва халқаро ўқув лойиҳалари ҳамкорлар ўртасида мулоқат учун коммуникацион технологиялардан фойдаланишни талаб этади.

Ўқув лойиҳалари координация турига қараб қуидагича бўлиши мумкин:

- ─ очиқ ва аниқ координацияли лойиҳалар;

 яширин координацияли лойиҳалар.

Очиқ ва аниқ координацияли лойиҳалар. Лойиҳавий фаолият координацияси лойиҳа устида муваффақиятли ишлашнинг энг мухим шартларидан бири ҳисобланади. Лойиҳа турига боғлиқ ҳолда координатор сифатида фан ўқитувчиси (монолойиҳаларда), ўқитувчи –координатор ёки муаммо бўйича мутахассис (ўқув муассасаси доирасидаги, минтақавий ва халқаро лойиҳаларда). Бундай лойиҳаларда координатор қуидаги функцияларни бажаради:

- ❖ лойиҳа қатнашчиларини лойиҳа муаммоси бўйича йўналтиради;
- ❖ зарур ҳолларда алоҳида иштирокчилар фаолияти бўйича лойиҳа босқичларини ташкил этади;
- ❖ керак бўлганда бирор расмий муассасада учрашув ташкил этади;
- ❖ сўров(анкета)лар ўтказади, мутахассислардан интервью олади, тақдимот олди маълумотларини тўплайди ва б.

Яширин координацияли лойиҳалар. Бундай лойиҳаларда координатор тармоқда хам, гуруҳ иштирокчилари фаолиятида хам ўз функцияси бўйича иштирок этолмайди. У лойиҳанинг teng ҳуқуқли битта иштирокчиси сифатида қатнашади. Бундай ҳолатда координатор сифатида аниқ соҳа бўйича мутахассис (масалан, ёзувчи, юрист, мухандис, эколог, врач ва б.) ёки тўлиқ маълумотга эга мутахассис сифатида ўқитувчи-координатор иштирок этади.

Мулоқат характеристига қўра лойиҳалар:

- ички ёки минтақавий (бир давлат чегарасида) лойиҳалар;
- халқаро лойиҳалар шаклида бўлади.

Ички ёки минтақавий (бир давлат чегарасида) лойиҳалар. Бу лойиҳалар ёки бир таълим муассасаси ичида, ёки давлат миқёсида бир неча таълим муассасаси доирасида (телекоммуникация лойиҳалари) ўтказилади.

Халқаро лойиҳалар. Бу асосан телекоммуникация лойиҳаларидир. Унда бир неча давлат вакиллари иштирок этишади ва унинг учун коммуникация технологияси талаб этилади.

Лойиҳаларни қатнашчилар сони ва давомийлигига қараб турлари лойиҳалар туркумида кўрсатиб ўтилган.

Кўпинча реал ҳаётда аралаш лойиҳалар, яъни тадқиқий ва ижодий, амалий лойиҳалар биргаликда учрайди. Ҳар қандай лойиҳа ўзига хос координация тури, бажарилиш муддати, ташкил

этиш ва бажариш босқичи, қатнашувчилар сони бўлишини талаб этади. Шу сабабли, лойихани ташкил этишда унинг хусусий ва типологик белгилари ҳисобга олиниши зарур.

Лойиха услубида ишлашда талабаларнинг мустақил билиш фаолиятларини ривожлантириш мақсадида турли усуллардан фойдаланилади. Ушбу усуллар ичидаги тадқиқот усули энг самарали ҳисоблансада, шу билан бир вақтда анча мураккаб ҳам ҳисобланади. Бу услугуб алоҳида ёки лойихалар услуби таркибида ҳам қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот усули умумилмий методологик ёндошув асосида куйидаги тартибда тузилиши мумкин:

- тадқиқий фаолият мақсадини аниқлаш (бу босқич ўқитувчи томонидан аниқланади);
- бошланғич материаллар асосида тадқиқот муаммосини илгари суриш (бу босқич аудиторияда талабалар томонидан мустақил бажарилади, масалан, бунда ўқитувчи «Ақлий ҳужум» услугбини қўллаши мумкин);

V. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ

5.1. Телекоммуникация лойиҳаларининг таълим тизимидағи ўрни

Лойиҳавий фаолиятнинг асосий моҳиятидан бири шуки, унинг иштирокчилари фақат бир гурӯҳдаги талабалар эмас, балки бошқа минтақа ёки бошқа давлатдагилар ҳам бўлиши мумкин.

Телекоммуникация –бу ахборотларни узатиш ва тез алмашишни таъминловчи восита ҳисобланади. Бу замонавий таълим жараёни учун ўта муҳимдир. Ушбу лойиҳа асосида ёшларни бир-бирини тушунишга, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга, ўз фикрини эркин баён қилишга ва биргаликда муаммоларни ҳал этишга ўргатишга имконият яратилади. Натижада лойиҳа асосида халқаро ягона таълим соҳасига кириб борилади.

АҚШ Огайо штати Иллинойск университети профессори В.Гезергуд кўп йиллардан буён тармоқ лойиҳасини олиб боради ва унда 40га яқин давлатлардан ёшлар иштирок этишади. Ҳозирги вақтда Интернет тармоғида **Kidlink** дастури ва **I Earm** дастури асосидаги халқаро лойиҳалар ишлаб турибди. Маълумки, телекоммуникацион лойиҳаларда ахборот алмашиниш ёзма вариантда олиб борилади. Бу талабаларга ўз фикри устида яхши ўйлаш, уни таҳрир қилиш имконини ҳам беради ва унинг билиш фаолиятида, муомула маданиятини шаклланишида ижобий рол ўйнайди. **Ушбу лойиҳада асосий шарт ёки тўсиқ чет тилини билиши даражаси ҳисобланади.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли қарори айнан чет тилини чукур ўзлаштиришга кенг йўл очиб, ёшларимизни халқаро таълим сайтларидан, масофавий ва очиқ таълим турларидан фойдаланишларига катта имкониятлар яратди.

Телекоммуникацион лойиҳалар ўтган асрнинг 80-йилларида юзага келди ва фан ҳамда ўқув соҳаларида алоқанинг қулай ва тезкор усули сифатида фойдаланилди. Халқаро тажрибаларнинг кўрсатишича оддий ёзишма асосидаги телекоммуникацион лойиҳаларга нисбатан маҳсус ташкил этилган ва аниқ мақсаддага қаратилган лойиҳалар, Интернет тармоғида талабаларнинг

ҳамкорликда ишлаши катта педагогик натижага олиб келади. Турли шаҳарлар, минтақалар ва давлатлар талабаларининг тармоқдаги биргаликдаги ўқув фаолиятини ташкил этишининг асосий шакли ўқув телекоммуникация лойиҳалари ҳисобланади.

5.2. Ўқув телекоммуникация лойиҳалари

Ўқув телекоммуникация лойиҳалари деганда компьютерли телекоммуникация асосида ташкил этилган, умумий муаммо, мақсад, келишилган услублар ва фаолият усулларига эга, фаолиятнинг биргаликдаги натижасига эришишга йўналтирилган талаба-ҳамкорларнинг ўқув-билиш, тадқиқий, ижодий, илмий ва ўйинли фаолияти тушунилади.

Ҳар қандай лойиҳадаги муаммо ечими интеграциялашган билимни талаб этади. Телекоммуникацион лойиҳада, айниқса халқаро лойиҳаларда анча чуқурлашган билимлар интеграциясини, нафақат тадқиқ қилинаётган муаммо юзасидан фан билимлари соҳасини, балки ҳамкорнинг миллий маданияти хусусиятларини, унинг дунёни билиши ва тушунишини, қарашларини билишни ҳам тақоза қиласди. Бу эса диалог маданиятини ташкил этади.

Чет тилида ташкил этиладиган телекоммуникация лойиҳалар (агар дастурда кўрсатилган бўлса) учун лойиҳа мазмани ва таркибиға мос ҳолда чет тиллар бўйича оғзаки нутқ ва ўқиши ривожлантириш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агар бундай лойиҳалар маҳсус фанлардан ёки умумкасбий фанлардан ташкил этилса ва ундаги муаммо матнлари чет тили дастурига мос келмаса, дарсдан ташқари вақтларда шахсан (индивидуаль) ташкил этилиши мумкин.

Педагогика соҳасида телекоммуникация лойиҳаларини самарали ташкил этиш учун қуйидагилар эътиборга олиниши зарур:

- қўйилган муаммони ечиш учун табиий, физик, ижтимоий ва бошқа ҳодисалар устидан кўп, тизимли, бир марталик ёки узок давомли кузатиш, турли минтақалардан маълумотлар тўплаш;
- турли жойларда юзага келадиган ҳодисалар, далиллар, воқеаларнинг аниқ тенденциясини аниқлаш учун таққослаб ўрганиш, қарорлар қабул қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиш;
- лойиҳа қатнашчиларининг маданий, этник, географик шартлари ўртасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда бир муаммо

ёки масала ечими йўлларининг (альтернатив ёки турли усулларини) самарадорлигини таққослаб ўрганиш;

➤ ўзига хос маданий, анъанавий, диний хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий ва маданий қарашларни қиёсий таҳлил қилиш;

➤ биргаликда маълум бир муаммони ҳамкорликда тадқиқ қилиш шарти билан бирор бир (амалий, ижодий, илмий ва б.) ижодий ғояни ишлаб чиқиш;

➤ қизиқарли саргузаштли компьютер ўйинлари ва мусобақаларини ўтказиш ва бунда юзага келадиган муаммоли вазиятларни маданий, таълимдаги анъаналар, спорт соҳаси билан боғлиқ бўлишига қаратиш.

Бундай халқаро лойиҳаларга ўн йилдан ортиқроқ вақтдан буён Огайо штати Иллинойск университети профессори В.Гезергуд томонидан тармоқдаги IEARN (<http://www.iearn.org>) ва KIDLINK (<http://www.kidlink.org>) дастурлари орқали ташкил этилиб келинаётган «Шекспир семинарлари»ни мисол қилиш мумкин. Айнан минтақавий ёки халқаро телекоммуникацион лойиҳаларда яширин координациядан фойдаланиш мумкин, яъни координатор ёки координаторлардан бири лойиҳанинг иштирокчиси сифатида «яширин» лойиҳа қатнашчиларига ишни (вазифани) жўнатиб туради.

Телекоммуникацион лойиҳаларни ташкил этиш маълум даражада тайёргарлик ишларини талаб этади. Бунда, масалан, аниқ бир муаммони ўрганиш бўйича ҳамкорларни қандай топиш мумкин? - деган савол туғилади. Бунинг учун юқорида келтирилган IEARN (<http://www.iearn.org>) ва KIDLINK (<http://www.kidlink.org>) дастурларига мурожаат этиб, чет давлатлардан ҳамкорлар топиш мумкин. Ёки, ўқитувчиларнинг профессионал ҳамкорлик сайtlари: Европа ҳамкорлиги (<http://www.eun.org>) ёки Россия ((<http://www.ioso.ru/distant/community>) сайtlарига кириб лойиҳани уларга таклиф этиш мумкин. Албатта, ҳар қандай ҳолатда ҳам талабалар фаолиятини ҳар иккала томондан ўқитувчилар томонидан координациялаш талаб этилади. Бу ерда ҳамкорларни таништириш ҳам муҳим ҳисобланади. Бунинг учун лойиҳа иштирокчилари ўзлари тўғрисидаги қисқа маълумотларни расмлари билан биргаликда сайтдаги ҳамкорлар танишишлари учун юборишлари мумкин.

Чунки бундай мулоқатда ҳамкорларнинг қизиқишиларини, умуман ким билан ишлаётганларини билиш ҳам мухим рол ўйнайди.

Чет эллик ҳамкорлар билан ишлашда уларнинг ўзига хос маданий ва анъанавий қадриятларини билиш, унга ҳурмат билан қараш талаб этилади. Шунинг учун дастлаб off-line режимида (электрон почта ёки форум орқали) ёки on-line режимида (чат) мулоқат тилига эътибор бериб, ўта саводли тилда, ҳамкорга ҳурмат нуқтаи назардан қараб ёзишмалар ташкил этиш зарур. Айниқса, мулоқат тили (чет тили) бўйича ҳамкор давлат вакилларининг ижтимоий-маданий хусусиятларини ва нутқ маданиятини ҳисобга олган ҳолда жиддий дастлабки тайёргарликни ташкил этиш талаб этилади ва бунда координатор маслаҳати жуда зарур бўлади.

Телекоммуникация лойиҳаларни нафакат ҳалқаро, балки минтақавий ёки бир давлат доирасида ташкил этиш анча кенг ривожланган. Чунки бунда лойиҳани ташкил этишдаги тил бўйича тўсиқ йўқ бўлади, лекин миллий ва этник, ижтимоий-маданий қадриятларни ҳисобга олиш, уларга ҳурмат юзасидан қараш шарти сақланиб қолади.

Лойиҳанинг ҳимояси дастлаб машғулот вақтида ҳар бир ҳамкор ўқув муассасасида, кейин эса форумда ёки таълим муассасидан бирининг веб сайтига ўз тақдимот материалларини жойлаштириш орқали ташкил этилади. Ҳамкорлар тақдим этилган материаллар бўйича форумда саволлар беришлари ва тегишли жавоблар олишлари мумкин.

5.3. Ўқув телекоммуникация лойиҳаларини ташқи баҳолашни ташкил этиш

Телекоммуникация лойиҳаларини ташқи баҳолашни ўз вақтида, тўғри ташкил этиш лойиҳа самарадорлиги ва олинган натижаларнинг амалийлигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки бу билан иш жараёнида ва лойиҳа ҳимояси вақтида керакли тузатишлар киритиш имконияти яратилади. Ташқи баҳолаш характери лойиҳа турига, мавзусига, унинг мазмунига ҳамда ўтказиш шароитларига боғлиқ. Агар телекоммуникация лойиҳаси тадқиқий лойиҳа бўлса ва у турли босқичларда ўтказилса, лойиҳанинг умумий натижаси самарадорлиги босқичларни қай даражада тўғри ташкил этилганлик даражасига боғлиқ бўлади. Бунда баҳолаш аниқ белги орқали

қўйилиши шарт эмас. Агар лойиҳа машғулот вақтида ташкил этилаётган бўлса, турли рағбат усуллари ёки йўналтирувчи кўрсатмалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Масалан, «Ҳаммаси тўғри, давом эттиринг», «Бу ерда тўхтаб, ўйлаб қўриш керак», «Негадир мос келмаяпди, мсалаҳатлашиб, муҳокама қилиб кўринг» ва бошқа шу каби кўринишларда. Ижодий лойиҳаларда кўпинча оралиқ натижаларни баҳолаш имконияти бўлмайди. Лекин, барибир ишни назорат қилиб бориши зарур ва талаб этилган тақдирда ёрдам ва кўрсатмалар берилиши керак (албатта тайёр ечим сифатида эмас, балки маслаҳат сифатида). Ташқи баҳолаш оралиқ ёки якуний ташқи баҳолаш шаклида ва кўп омилларга боғлиқ ҳолда зарур ҳисобланади. Ўқитувчи ҳамкорликдаги лойиҳа жараёнининг доимий мониторингини олиб бориши керак. Лойиҳа ҳимояси вақтида унинг натижаларини баҳолаш мақсадида ушбу соҳа бўйича энг иқтидорли талаба ёки бошқа ўқитувчи ташқи эксперт сифатида танлаб олинади. Ёки, лойиҳа бошида ушбу лойиҳа бўйича фаолият олиб бораётган турли гуруҳлар ишини баҳолаш ҳамда мониторингини олиб бориши учун маҳсус экспертлар гуруҳи шакллантирилади.

Лойиҳани ташқи баҳолашда куйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- илгари сурилган муаммонинг долзарблиги ва аҳамияти, ўрганилаётган мавзуларнинг бир-бирига мослиги;
- фойдаланиладиган тадқиқот услублари ва олинган натижаларни қайта ишлаш усулларининг мослиги;
- ҳар бир лойиҳа иштирокчисининг шахсий имкониятларига мос ҳолда фаоллиги;
- қабул қилинадиган қарорнинг жамоавий характерда бўлиши;
- муаммога етарлича ва чуқур кириб борилганлиги, бошқа фан соҳаси билимларидан фойдаланиш имконияти;
- лойиҳа қатнашчиларини муомула ва ўзаро ёрдам ҳамда ўзаро тўлдириш ва тузатишлари;
- қабул қилинган қарорларнинг исботланиши, ўз хулосалари ва натижаларини далиллар билан асослай олиши;
- лойиҳа натижаларини тақдим этиш ва баён эттиш эстетикаси;
- қатнашчиларни оппонентларнинг саволларига жавоб бериш қобилияtlари, жавобларнинг асосланганлиги ва далиллар асосида исботланиши;
- қабул қилинган қарорлар оқибатларини тасаввур қила олиш

қобиляйтлари.

Хулоса қилиб айтганда, лойихалар услуги юқори педагогик технологияларга киради ва у ўқитувчидан хам, талабадан хам катта тайёргарликни, талабанинг бутун ўқув фаолияти бўйича жиддий координациясини талаб этади. Шу билан бир қаторда лойихалар услуги талабани интеллектуаль ривожлантиришга, унда танқидий ва ижодий фикр-туйғуларни шаклланишига ёрдам беради. Бундай тизимли равишдаги ҳамкорликдаги фаолият ёшларда нафақат мустақилликни шаклланишига, балки уларда ўз ишига ҳамда гуруҳ фаолиятига жавобгарликни ошишига хам олиб келади. Шу сабабли лойихалар услугини замонавий таълим-тарбия тизими қўяётган талабларга жавоб берувчи таълим соҳасидаги энг самарали услублардан бири сифатида қараш мумкин.

VI. «АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ» МАВЗУСИНИ ЛОЙИҲАЛАР УСЛУБИ АСОСИДА ЎТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

6.1. Лойиҳа мавзуси, мақсади ва вазифалари

Мавзу: *«Ахборот хавфсизлигини таъминлаш».*

Ўқув фани: *Ахборот технологиялари.*

Лойиҳа мақсади: *Ахборот тизимларига зарар келтирувчи табиий ёки сунъий характерга эга тасодифий ва уюштирилган таъсирларни таҳлил қилиши, логин ва паролни ўгирлаши, бузиши, ресурслардан руҳсатсиз фойдаланиши, компьютер вируси ва уларга қарши курашиши, ахборот хужумлари ва ундан сакланиши йўлларини таҳлил қилиши ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид ўз гояларини тавсия қилиши.*

Лойиҳавий фаолият вазифалари:

- 1. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарбилиги ва аҳамиятини аниқ далиллар билан асослаши.*
- 2. Ахборот хавфсизлигига таъсир этувчи аниқ омилларни аниқлаши ва уларнинг таснифини яратиш.*
- 3. Ахборот хавфсизлигига таъсир этиши сабабларини аниқлаши, уларнинг оқибатларини баҳолаши.*
- 4. Ахборот хавфсизлигига таъсир этувчи омилларни бартараф этиши усулларини топиши ва асослашга ҳаракат қилиши.*

Педагогик вазифалар:

- *ахборот хавфсизлигини таъминлаши бўйича касбий компетентликни шакллантири.;*
- *гуруҳларда ишилаш ва муаммони таҳлил қилиши орқали ўзгалар фикрини тинглаши ва ҳурмат қилиши қобилияtlарини ривожлантириши, умуммаданий, ижтимоий компетентликни шакллантириши;*
- *маълумотларни тўплаш, ижтимоий сўровлар ўtkазishi ва уларга ишилов берishi орқали умумкасбий компетентликни шакллантириши;*
- *лоиҳанинг барча босқичларида мустақил ишилаш, муаммо бўйича қарорлар қабул қилиши йўли билан талабаларни ўз-ўзини*

ривожлантириши, такомиллаштириши ҳамда ўз-ўзини баҳолаишга ўргатиш ва рефлексия ҳосил қилиши.

Тадқиқот муаммоси: Ахборотлар узатиш, алмасиши, сақлаши ва қайта ишилаш жараёнларини кенг ривожланиши ва ахборот хавфсизлиги ўртасидаги қарама-қаршиликлар.

Лойиҳа тури: Ўқув телекоммуникация ахборот лойиҳаси

Тадқиқот услуби:

- адабиётлар, ОАВ, Интернет маълумотлари, ахборот хавфсизлигига оид қонуналар, Вазирлар Маҳқмасининг қарорлари (шу жумлади чет давлатлар бўйича) таҳлили;
- тўпланган маълумотлар таҳлили;
- ижтимоий сўров ва олинган ахборотларга ишлов берииш.

Ўтказилиш муддати: Сентябрь, 2013й

6.2. Ўқув лойиҳа типологияси

№	Типологик кўрсаткич	Мазмуни
1.	<i>Лойиҳа тури</i>	Ўқув телекоммуникация ахборот лойиҳаси
2.	<i>Лойиҳадаги устун фаолият</i>	Тадқиқий-ижодий
3.	<i>Фан-мазмуни соҳаси</i>	моновойиҳа (бир билим соҳаси доирасида)
4.	<i>Мулоқат усули</i>	лойиҳавий фаолият жараёнида, бевосита мулоқат
5.	<i>Лойиҳа координацияси характери</i>	бевосита, мосланувчан
6.	<i>Мулоқат характери</i>	гурухда, бир неча ўқув юрти доирасида (ТАТУ ва унинг барча филиаллари жалб этилган ҳолда)
7.	<i>Лойиҳа қатнашчилари сони</i>	Гурух
8.	<i>Лойиҳа давомийлиги</i>	қисқа муддатли (бир неча машғулотга мўлжалланган)
9.	<i>Координация тури</i>	Очиқ ва аниқ координацияли

6.3. Лойиха босқичлари

№	Бажариладиган иш тури	Ижрочи	Машғулот ёки мулоқат тури	Фойдаланилайдиган педагогик технология
1.	Мавзунинг тақдимоти ва муаммоли вазиятни келтириб чиқариш, муаммони шакллантириш	ўқитувчи	маъруза	«Ақлий хужум»
2.	Гуруҳни кичик гуруҳларга бўлиш ва ҳар бир гуруҳнинг функционал вазифасини белгилаш	ўқитувчи	амалий	Кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс мунозара
3.	Ахборот манбалари муҳокамаси	талабалар	амалий	Баҳс-мунозара
4.	Кичик гуруҳларда лойиха муаммоси бўйича ишлаш, ахборотларни тўплаш	талабалар	Амалий, дарсдан ташқари	Муҳокама
5.	Тўпланган маълумотларни анализик ва статистик қайта ишлаш	талабалар	Амалий, дарсдан ташқари	Баҳс мунозара
6.	Муаммони ва у бўйича тўпланган материалларни биргалиқда муҳокамаси	ТАТУ ва унинг барча филиалларида ги лойиха иштирокчилари	Дарсдан ташқари	Форум ёки чат
7.	Чат орқали юборилган материаллар муҳокамаси	талабалар	амалий	Баҳс-мунозара
8.	Муаммо ечими бўйича қарорларни шакллантириш	Талабалар, дастлаб кичик гуруҳларда	амалий	Муҳокама
9.	Муаммо бўйича қарорларни умумлаштириш	Гурух бўйича	амалий	Муҳокама
10.	Очиқ машғулот, лойиха ҳимояси, тақдимот	талабалар	Дарсдан ташқари	Форум ёки чат
11.	Тақдимотни ташки баҳолаш	Ташки экспертлар	Тақдимотдан кейин	Баҳолаш мезони асосида

Тақдимот дастлаб гуруҳда ўқитувчи ва ташқи экспертлар иштирокида ўтказилади. Кейин эса ҳамкор ОЎЮ (ТАТУ ва унинг филиаллари) билан биргаликда форумда ёки филиал веб сайтига маълумотларни жойлаштириш орқали ташкил этилади. Ҳамкорлар тақдимот вақтида муаммо ва унинг ечими бўйича қабул қилинган хулосалар бўйича саволллар беришлари ҳамда жавоблар олишлари мумкин.

Муаммо ечими бўйича натижаларни баҳолаш учун ташқи эксперт таркиби ушбу фан бўйича бошқа ўқитувчилар, соҳанинг малакали мутахассислари ва ота-оналардан ташкил топади.

6.4. Мавзу бўйича дастлабки тақдимот:

6.4.1. Маъруза машғулоти: фан ўқитувчиси томонидан амалга оширилади. Унда асосий тушунчалар берилади ва муаммоли вазият юзага келтирилади. Ўқитувчи томонидан «Ақлий ҳужум» услуби қўлланилади ва муаммоларни талабаларнинг ўзлари шакллантирилишига эришилади.

«Ахборот хавфсизлигини таъминлаш» мавзуси бўйича таянч маъруза матни

Таянч иборалар: *ахборот хавфсизлигини таъминлаш, логин, парол, авторизация, рўйхатдан ўтиш, логин ва паролга эга бўлиш шартлари, логин ва паролни бузиш, логин ва паролни ўғирлаш, ресурслардан рухсатсиз фойдаланиш ва унинг оқибатлари, компьютер вируси, вирусларнинг турлари ва вазифалари, вирусларга қарши курашиш усуллари, ҳужум тушунчаси, ахборот ҳужумлари ва ундан сақланиш қоидалари.*

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – бу фойдаланувчининг ахборотларини ҳимоялашга қуйилган меъёр ва талабларни бажаришидир. Ахборот хавфсизлиги эса бу ахборот фойдаланувчиларига ва кўплаб ахборот тизимларига зарар келтирувчи табиий ёки сунъий характерга эга тасодифий ва уюштирилган таъсирлардан ахборотларни ва ахборот коммуникация тизим объектларининг ҳимояланганлигидир.

Логин тушунчаси. Логин – шахснинг, ўзини ахборот коммуникация тизимига таништириш жараёнида қўлланилайдиган белгилар кетма-кетлиги бўлиб, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиш хуқуқига эга бўлиш учун фойдаланилувчининг махфий бўлмаган қайд ёзуви ҳисобланади.

Парол тушунчаси. Парол – унинг эгаси ҳақиқийлигини аниқлаш жараёнида текширув ахбороти сифатида ишлатиладиган белгилар кетма-кетлиги. У компьютер билан мулоқот бошлашдан олдин, унга клавиатура ёки идентификация картаси ёрдамида киритиладиган ҳарфли, рақамли ёки ҳарфли-рақамли код шаклидаги маҳфий сўздан иборат бўлади.

Авторизация тушунчаси. Авторизация – фойдаланувчининг ресурсдан фойдаланиш хуқуqlари ва рухсатларини текшириш жараёни. Бунда фойдаланувчига ҳисоблаш тизимида баъзи ишларни бажариш учун муайян хуқуqlар берилади. Авторизация шахс ҳаракати доирасини ва у фойдаланадиган ресурсларни белгилайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби. Рўйхатдан ўтиш – фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ва уларга дастурлар ва маълумотларни ишлатишга хуқуқ бериш жараёни. Айрим веб-сайтлар фойдаланувчиларга қўшимча хизматларни олиш ва пуллик хизматларга обуна бўлиш учун рўйхатдан ўтишни, яъни ўзи ҳақида айрим маълумотларни киритишни (анкета тўлдиришни) ҳамда логин ва парол олишни таклиф қиласидар. Фойдаланувчи рўйхатдан ўтгандан сўнг тизимда унга қайд ёзуви (account) яратилади ва унда фойдаланувчига тегишли ахборотлар сакланади.

Логин ва паролга эга бўлиш шартлари. Бирор шахс ўзининг логин ва паролига эга бўлиши учун, у ахборот коммуникация тизимида рўйхатдан ўтиши ва кейин ўз логин ва паролини ўзи ҳосил қилиши ёки тизим томонидан берилган логин паролга эга бўлиши мумкин. Логин ва пароллар маълум узунликдаги белгилар кетма-кетлигидан ташкил топади. Логин ва паролларнинг узунлиги ва қийинлиги унинг қанчалик хавфсизлигини яъни бузиб бўлмаслигини таъминлайди.

Логин ва паролни бузиш. Логин ва паролни бузиш – бу бузгунчининг бирор бир мақсад йўлида ахборот коммуникация тизими объектларидан фойдаланиш учун қонуний тарзда фойдаланувчиларга тегишли логин ва паролларини бузишdir. Бунда маҳсус дастур ёрдамида логин ва пароллар генерация қилиб топилади. Логин ва паролларнинг узунлиги бу жараённинг узоқ вақт давом этишига ёки генерация қила олмаслигига олиб келади.

Логин ва паролни ўғирлаш. Логин ва паролни ўғирлаш – бу фойдаланувчиларнинг маҳфий маълумотлари бўлган логин ва паролларга эга бўлиш мақсадида амалга ошириладиган интернет

фирибгарлигининг бир туридир. Бу машҳур брендлар, масалан, ижтимоий тармоқлар, банклар ва бошқа сервислар номидан электрон хатларни оммавий жўнатиш йўли орқали амалга оширилади. Хатда одатда ташқи кўриниши асл сайтдан фарқ қилмайдиган сайтга тўғри ишорат мавжуд бўлади. Бундай сайтга ташриф буюрган фойдаланувчи фирибгарга аккаунтлар ва банк ҳисоб рақамларига кира олишга эга бўлишга имкон берувчи муҳим маълумотларни билдириши мумкин. Фишинг – ижтимоий инженериянинг бир тури бўлиб, фойдаланувчиларнинг тармоқ хавфсизлиги асосларини билмаслигига асосланган. Жумладан, кўпчилик оддий фактни билишмайди: сервислар қайд ёзувингиз маълумотлари, пароль ва шу каби маълумотларни юборишни сўраб ҳеч қачон хат юбормайди.

Ресурслардан рухсатсиз фойдаланиш ва унинг оқибатлари.

АҚТ тизимининг ихтиёрий таркибий қисмларидан бири бўлган ҳамда ахборот тизими тақдим этадиган имконият мавжуд бўлган ресурслардан белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлмаган ҳолда фойдаланишни чеклаш қоидаларига риоя қиласдан фойдаланиш – бу ресурслардан рухсатсиз фойдаланиш тоифасига киради. Бундай фойдаланиш натижасида қўйидаги оқибатлар юзага келиши мумкин:

- ахборотнинг ўғирланиши;
- ахборотни ўзгартириш;
- ахборотнинг йўқотилиши;
- ёлғон ахборотни киритиш;
- ахборотни қалбакилаштириш ва ҳ.к.

Компьютер вируси. Компьютер вируси – бу ўз-ўзидан кўпаювчи, компьютер тармоқлари ва ахборот ташувчилари орқали эркин тарқалувчи, ҳамда компьютер ва унда сақланаётган ахборот ва дастурларга зарар етказувчи дастур коди ёки командалар кетма-кетлиги ҳисобланади. Компьютер вируслари қўйидаги хоссаларга эга: ўзидан нусха кўчириш, ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни амалга ошириш. У ўзининг нусхаларини компьютерларда ёки компьютер тармоқларида қайта кўпайтириб ва тарқатиб, ҳамда қонуний фойдаланувчилар учун номақбул ҳаракатларни бажаради. Вирус, аксарият ҳолларда носозлик ва бузилишларга сабаб бўлади ва бирор ҳодиса юз бериши билан, масалан, аниқ куннинг келиши билан ишга туширилиши мумкин.

Вирусларнинг турлари ва вазифалари. Вирусларни қўйидаги асосий аломатлари бўйича туркумлаш мумкин:

➤ яшаш макони; операцион тизим; ишлаш алгоритми хусусияти.

Компьютер вирусларини яшаш макони, бошқача айтганда вируслар киритилувчи компьютер тизими объектларининг хили бўйича туркумлаш асосий ва кенг тарқалган туркумлаш ҳисобланади.

Файл вируслар турли усуллар билан бажарилувчи файлларга киритилади (энг кўп тарқалган вируслар хили), ёки файл йўлдошлар (компаньон вируслар) яратади ёки файлли тизимларни (link-вируслар) ташкил этиш хусусиятидан фойдаланади.

Юклама вируслар ўзини дискнинг юклама секторига (boot - секторига) ёки винчестернинг тизимли юкловчиси (Master Boot Record) бўлган секторга ёзади. Юклама вируслар тизим юкланишида бошқаришни олувчи дастур коди вазифасини бажаради.

Макровируслар ахборотни ишловчи замонавий тизимларнинг макродастурларини ва файлларини, хусусан MicroSoft Word, MicroSoft Excel ва x. каби оммавий муҳаррирларнинг файлхужжатларини ва электрон жадвалларини заҳарлайди.

Тармоқ вируслари ўзини тарқатишда компьютер тармоқлари ва электрон почта протоколлари ва командаларидан фойдаланади. Баъзида тармоқ вирусларини "қурт" хилидаги дастурлар деб юритишиади. Тармоқ вируслари Internet-қуртларга (Internet бўйича тарқалади), IRC-қуртларга (чатлар, Internet Relay Chat) бўлинади.

Компьютер вирусларининг вазифалари, одатда, тўрт босқични ўз ичига олади:

- вирусни хотирага юклаш;
- қурбонни қидириш;
- топилган қурбонни заҳарлаш;
- деструктив функцияларни бажариш.

Вирусларга қарши қурашиш усуллари. Ҳозирги кунда компьютер вирусларини аниқлаш ва улардан ҳимояланиш учун маҳсус дастурларнинг бир неча хиллари мавжуд бўлиб бу дастурлар компьютер вирусларини аниқлаш ва йўқотишга имкон беради. Бундай дастурлар вирусга қарши дастурлар ёки *антивируслар* деб юритилади. Антивирус дастурларига AVP, Doctorweb, Nod32 дастурларини киритиш мумкин. Умуман барча

вирусга қарши дастурлар захарланган дастурлар ва юклама секторларнинг автоматик тарзда тикланишини таъминлайди.

Вирусларга қарши курашишнинг асосан қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Мунтазам профилактика ишларини, яъни вирусга текширув ишларини олиб бориш.
2. Таниқли вирусни зарасизлантириш.
3. Таниқли бўлмаган вирусни зарасизлантириш.

Хужум тушунчаси. Хужум тушунчаси – бузғунчининг бирор бир мақсад йўлида ахборот коммуникация тизимларининг мавжуд ҳимоялаш тизимларини бузишга қаратилган ҳаракати.

Ахборот хужумлари ва ундан сакланиш қоидалари.

Ахборот хужумлари одатда 3 га бўлинади:

1. Объект ҳақида маълумотлар йиғиш (разведкалаш) хужуми.
2. Объектдан фойдаланишга рухсат олиш хужуми.
3. Хизмат кўрсатишдан воз кечиш хужуми.

Ахборот хужумларидан сақланишда ахборот коммуникация тизими объектларига қилинаётган хужумларни топиб олишда қўлланиладиган механизм ва воситаларни қўллаш керак. Буларга тармоқлараро экран (FIREWALL) ва хужумларни аниқлаш (IDS) воситаларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

6.4.2. Амалий машғулотлар

- шакллантирилган муаммо бўйича маълумотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва анализик қайта ишлаш;
- тўпланган маълумотлар бўйича баҳс-мунозаралар ташкил этиш;
- тўпланган маълумотлар асосида муаммо ечими бўйича хулоасалар ва таклифлар ишлаб чиқиш.

6.4.3. Дарсдан ташқари фаолият

(фан бўйича илмий тугаракларда).

- Лойиҳа муаммоси натижалари бўйича гурӯҳда тақдимот ташкил этиш;
- ТАТУ ва унинг филиаллари доирасида тақдимот ташкил этиш (форум ёки чат орқали)

6.4.4. Натижаларни ташқи баҳолаш

- ❖ Ташқи экспертлар томонидан тақдимот вақтида амалга оширилади.

6.4.5. МАВЗУ БҮЙИЧА ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-СЛАЙД. «АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ» МАВЗУСИ БҮЙИЧА ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- Логин ва парол тушунчаси;
- Авторизация тушунчаси;
- Рўйхатдан ўтиш тартиби;
- Логин ва паролга эга бўлиш шартлари;
- Логин ва паролни бузиш;
- Логин ва паролни ўғирлаш;
- Ресурслардан рухсатсиз фойдаланиш ва унинг оқибатлари;
- Компьютер вируси;
- Вирусларнинг турлари ва вазифалари;
- Вирусларга қарши курашиш усуллари;
- Ҳужум тушунчаси;
- Ахборот ҳужумлари ва ундан сакланиш қоидалари.

2-СЛАЙД.АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

• *Ахборот хавфсизлигини таъминлаш* – бу фойдаланувчининг ахборотларини ҳимоялашга қўйилган меъёр ва талабларни бажаришидир.

• *Ахборот хавфсизлиги* – бу ахборот фойдаланувчилирига ва кўплаб ахборот тизимларига зарар келтирувчи табиий ёки сунъий характерга эга тасодифий ва уюштирилган таъсирлардан ахборотларни ва ахборот коммуникация тизим объектларининг ҳимояланганлигидир.

3-СЛАЙД. ЛОГИН ВА ПАРОЛЬ ТУШУНЧАСИ

- **Логин** – шахснинг, ўзини ахборот коммуникация тизимида таништириш жараёнида қўлланиладиган белгилар кетма-кетлиги бўлиб, ахборот коммуникация тизимида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун фойдаланиувчининг махфий бўлмаган қайд ёзуви ҳисобланади.
- **Парол** – унинг эгаси ҳақиқийлигини аниқлаш жараёнида текширув ахбороти сифатида ишлатиладиган белгилар кетма-кетлиги. У компьютер билан мулоқот бошлишдан олдин, унга клавиатура ёки идентификация картаси ёрдамида киритиладиган ҳарфли, рақамли ёки ҳарфли-рақамли код шаклидаги махфий сўздан иборат бўлади.
- **Авторизация** – фойдаланувчининг ресурсдан фойдаланиш ҳуқуқлари ва рухсатларини текшириш жараёни. Бунда фойдаланувчига ҳисоблаш тизимида баъзи ишларни бажариш учун муайян ҳуқуқлар берилади. Авторизация шахс ҳаракати доирасини ва у фойдаланадиган ресурсларни белгилайди.

The image shows a digital login interface. At the top left is a red button labeled "Логин". To its right is a white input field. At the top right is a red button labeled "ТИЗИМГА КИРИШ". Below these, at the top left, is another red button labeled "Парол". To its right is a second white input field. To the right of the second input field is a small blue checkbox followed by the text "Запомнить меня". The entire interface is set against a light gray background with a thin black border around the main content area.

4-СЛАЙД. РҮЙХАТДАН ЎТИШ ТАРТИБИ

Рўйхатдан ўтиши – фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ва уларга дастурлар ва маълумотларни ишлатишга ҳукуқ бериш жараёни. Айрим веб-сайтлар фойдаланувчиларга қўшимча хизматларни олиш ва пуллик хизматларга обуна бўлиш учун рўйхатдан ўтишни ҳамда логин ва парол олишни таклиф қиласидар.

Фойдаланувчи рўйхатдан ўтгандан сўнг тизимда унга қайд ёзуви (account) яратилади ва унда фойдаланувчига тегишли ахборотлар сақланади

Имя

Фамилия

День рождения день месяц год не обязательно

Город не обязательно

Пол Мужской Женский

Почтовый ящик @mail.ru не обязательно

Пароль

Повторите пароль

Если Вы забудете пароль
Мы попросим Вас ответить на секретный вопрос. Также пароль можно восстановить через дополнительный email или мобильный телефон.

Мобильный телефон не обязательно

Секретный вопрос - Выберите вопрос - не обязательно

Ответ

Дополнительный e-mail не обязательно

Профиль на Моем Мире
В Моем Мире@Mail.Ru легко найти одноклассников, сокурсников и коллег.
 Создать личную страницу на Мой Мир@Mail.Ru

 mail.ru [обновить код](#)

Код на картинке

Зарегистрироваться

5-СЛАЙД. ЛОГИН ВА ПАРОЛ МАСАЛАЛАРИ

- **Логин ва паролга эга бўлиш шартлари.** Бирор шахс ўзининг логин ва паролига эга бўлиши учун у биринчидан ахборот коммуникация тизимида руйхатдан ўтган бўлиши керак ва шундан сўнг у ўз логини ва паролини ўзи ҳосил қилиши ёки тизим томонидан берилган логин паролга эга бўлиши мумкин.
 - **Логин ва паролни бузиш** – бу бузғунчининг бирор бир мақсад йўлида ахборот коммуникация тизими объектларидан фойдаланиш учун қонуний тарзда фойдаланувчиларга тегишли логин ва паролларини бузишдир.
 - **Логин ва паролни ўғирлаш** – бу фойдаланувчиларнинг маҳфий маълумотлари бўлган логин ва паролларга эга бўлиш мақсадида амалга ошириладиган интернет фирибгарлигининг бир туридир.

6-СЛАЙД. РЕСУРСЛАРДАН РУХСАТСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Ахборот-коммуникация тизимининг ихтиёрий таркибий қисмларидан бири бўлган, ҳамда ахборот тизими тақдим этадиган имконият мавжуд бўлган ресурслардан белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлмаган ҳолда, фойдаланишни чеклаш қоидаларига риоя қилмасдан фойдаланиш – бу ресурслардан рухсатсиз фойдаланиш тоифасига киради.

Бундай фойдаланиш натижасида қуйидаги оқибатлар юзага келиши мумкин:

- ахборотнинг ўғирланиши;
- ахборотни ўзгартириш;
- ахборотнинг йўқотилиши;
- ёлғон ахборотни киритиш;
- ахборотни қалбакилаштириш ва ҳ.к.

7-СЛАЙД. КОМПЬЮТЕР ВИРУСИ


Компьютер вируси – бу ўз-ўзидан кўпаювчи, компьютер тармоқлари ва ахборот ташувчилари орқали эркин тарқалувчи, ҳамда компьютер ва унда сақланаётган ахборот ва дастурларга зарар етказувчи дастур коди ёки командалар кетма-кетлиги ҳисобланади.

Компьютер вируслари қуйидаги хоссаларга эга: ўзидан нусха кўчириш, ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни амалга ошириш.

Вирус, аксарият ҳолларда носозлик ва бузилишларга сабаб бўлади ва бирор ҳодиса юз бериши билан, масалан, аниқ куннинг келиши билан ишга туширилиши мумкин.



8-СЛАЙД. ВИРУСЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ



9-СЛАЙД. ВИРУСЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИ

Вирусга қарши дастурлар *антивируслар* деб юритилади. Антивирус дастурлариға AVP, Dr.Web, Nod32 дастурларини киритиш мүмкін.

Вирусларга қарши курашишнинг асосан қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Мунтазам профилактика ишларини, яъни вирусга текширув ишларини олиб бориш.
2. Таниқли вирусни зарасизлантириш.
3. Таниқли бўлмаган вирусни зарасизлантириш.



10-СЛАЙД. ҲУЖУМ ТУШУНЧАСИ ВА АХБОРОТ ҲУЖУМЛАРИ

Ҳужум тушунчаси – бузғунчининг бирор бир мақсад йўлида ахборот коммуникация тизимларининг мавжуд ҳимоялаш тизимларини бузишга қаратилган ҳаракати.

Ахборот ҳужумлари одатда 3 га бўлинади:

- объект ҳақида маълумотлар йиғиш (разведкалаш) ҳужуми.
- объектдан фойдаланишга рухсат олиш ҳужуми.
- хизмат кўрсатишдан воз кечиш ҳужуми.



Х У Л О С А

«Лойиҳалар услуби» инновацион педагогик технология сифатида талабаларда касбий, умумкасбий ва маданий компетентликни, уларда ўз-ўзига ишонч, ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш, ўз-ўзини баҳолаш, бир сўз билан айтганда рефлексив қобилиятларни шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Ҳозирги кунда лойиҳалар услуби дунёда энг кенг тарқалган замонавий, инсонпарвар, ривожлантирувчи ва шахсга йўналтирилган педагогик технология эканлиги қайд этилиб, унинг ривожланган давлатлар таълим тизимидағи фойдаланиш даражасининг таҳлили асосида қуидаги хулоса ва таклифлар тавсия этилади:

1. «Лойиҳалар услуби» таълим соҳасидаги ҳозирги кун ислоҳотларига жавоб берувчи, таълим сифатини оширишда муҳим рол ўйновчи инновацион педагогик технология ҳисобланади.
2. Лойиҳа Италияning архитектура устахоналарида XVI асрлардаёқ юзага келган. Унинг ривожланиш тарихи 5 даврга бўлинади.
3. Ҳозирги кунда лойиҳалар услуби технологияси инсонпарвар ва ривожлантирувчи таълим технологияси сифатида АҚШ, Россия, Буюкбритания, Белгия, Испания, Финляндия, Германия, Италия, Бразилия, Нидерландия ва шу каби кўпгина ривожланган давлатлар таълим жараёнда кенг фойдаланилмоқда.
4. Республикамизда лойиҳалар услуби илмий ва ижодий ҳамда ахборот соҳаларида ўз ўрнини топмоқда.

5. Лойиҳалар услуби технологияси – ўқитувчи назоратида талабанинг интеллектуал ва жисмоний имкониятларини, мустақил ишлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш йўли орқали шахснинг ўз қобилиятларидан тўлиқ фойдаланишга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этишнинг амалий аҳамият касб этувчи, субъектив ва объектив янгиликларга эга мослашувчан модели ва ўқитиш тизимиdir.

6. Лойиҳалар услуби технологияси ҳар қандай мураккаб дидактик вазифани бирдан ечишга мўлжалланган универсал услуг эмас. У бир бутун дидактик тизим бўлиб, шахсга йўналтирилган таълимни ташкил этишнинг бир элементи ҳисобланади.

7. «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида ишлаб чиқилган телекоммуникацион ўқув лойиҳасини олий таълим ёки касб-хунар колледжлари ўқув жараёнида амалда тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

8. Лойиҳалар услуби технологиясининг амалда қўлланилиши ўқитувчидан ва талабалардан катта тайёргарликни талаб этади. Ўқитувчи ўқув машғулотлари олиб боришнинг турли инновацион усулларини пухта ўзлаштирган, кучли нутқ маданиятига эга, интерактив ўқитиш технологияларини амалда қўллаш бўйича катта тажриба тўплаган бўлиши зарур.

9. Лойиҳалар услуби технологиясини ўқув машғулотларида қўлланилиши талабалардан таҳлил қилиш, таққослаш, синтез (ҳодисаларни ўзаро боғлаб, текшириш), фикран тадқиқот, олдиндан баҳолаш, маълумотларни излаш, уни баҳолаш ва шу каби бир қанча интеллектуал малакаларга эга бўлишни талаб этади. Асосийси, маълумотларнинг турли манбаларидан фойдаланиш, жамоа (гурух) таркибида ишлаш, муаммо ечимининг турли усулларини биргаликда муҳокама қилиш, нафақат фақат ўз фикрини маъқуллаш, балки гуруҳдаги бошқа ҳамкорлар фикрини ҳам ҳурмат билан тинглаш, таҳлил қилиш ва умумий холоса чиқаришни ҳам билишлари шарт.

10. Лойиҳалар услуби технологиясидан нафақат олий таълимда, балки узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида ҳам фойдаланиш яхши самара беради.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётиннинг пойдевори. Тошкент,1997й.
- 2.И.Каримов. Юксак маънавият –енгилмас куч. Тошкент, «Маънавият», 2008й.
- 3.Баркамол авлод орзузи. Тошкент, 1998й.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида қонуни».
5. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёrlаш миллий дастури. / Тошкент; “Шарқ”, 1997.
- 6.Бедерханова В. Проблемы воспитания и развития личности. Совместная проектировочная деятельность как средство развития детей и взрослых – СПб. 2002. – 23 с.
- 7.Введение метода проектов в образовательный проект/ Методическое пособие, Самара, 2003.
- 8.Гулиянц С.Б. Метод проектов в работе со студентами
- 9.Голубчик В. М., Тверская Н.М. Человек и смерть поиски смысла (этические аспекты явления): Книга для учителя. — М.: Наука, 1994.
- 10.Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология. М.: Народное образование, 2000
- 11.Джонсонс Дж. К. Методы проектирования. М., 1986. – 326 с.
- 12.Исследование инвестиционных проектов с помощью метода лексикографической оптимизации // Гришина Н.А., Колбин В.В. »
- 13.Забелина Г.А. Применение метода проектов в обучении иностранному языку в школе и вузе.
- 14.Коджаспирова Г.М. История образования и педагогической мысли: Таблицы, схемы, опорные конспекты: учебное пособие для студентов высших учебных заведений. М., 2003.
- 15.Комисарова А.В. Метод проектов как педагогическое условие формирования информационной компетентности студентов технического вуза.
- 16.Каганов Е. Г. Метод проектов в трудовой школе. - Л. 1926.
- 17.Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. — М.: Высшая школа, 1990. — С. 58.
- 18.Кузьмина Н.В. Способности, одаренность, талант учителя. — Л.: Знание, 1985. — С. 16.

- 19.Кондаков А. М., Кузнецов А. А. О Федеральном государственном образовательном стандарте общего образования: доклад российской академии образования // Педагогика. 2008. № 8.
- 20.Лаштабова Н.В. Проектирование и метод проектов в современном образовательном процессе средней и высшей школы // Теории, содержание и технологии высшего образования в условиях глобализации образовательного процесса. Оренбург, 2006. Ч. 1: Секции общей педагогики и педагогики высшей школы.
- 21.Левитес Д.Г. Практика обучения: современные образовательные технологии. — М.: Изд-во «Институт практической психологии»; Воронеж: НПО «МОДЭК», 1998. — 288 с.
- 22.Моляко В.А. Психология конструкторской деятельности. // Дисс. докт. психол. наук. – К.: 1981.
- 23.Новые ценности образования. Вып № 1: Тезаурус для учителей и школьных психологов. — М.: Российский фонд фундаментальных исследований. Институт педагогических инноваций РАО, 1995. — 114 с. (Bohm I. «Productive Learning» — Продуктивное учение, с. 74—75.
- 24.Новые ценности образования. Вып. № 6: Забота — Поддержка — Консультирование. — М.: Инноватор, 1996. — 196 с.
- 25.Новиков А.М. Методология образования. М.: Эгвес, 2002. - 320 с.
- 26.Полат Е.С., Бухаркина М.Ю. Современные педагогические и информационные технологии в системе образования. М.: «Академия», 2008
- 27.Полат Е.С., Бухаркина М.Ю., Ястребцева Е.Н., Батюкова З.И. Телекоммуникации в учебно-воспитательном процессе школы. // Методическое пособие. М, 1993.
- 28.Полат Е.С., Новые педагогические и информационные технологии в системе образования ред. Е.С.Полат - М., 2004
- 29.Пахомова Н.Ю. Метод учебного проекта в образовательном учреждении: пособие для учителей и студентов педагогических вузов. М., 2003.
- 30.Пахомова Н.Ю. Проектное обучение — что это? //Методист, №1, 2004.
- 31.Прокопьева Н.И. Проектное обучение в зарубежной педагогике. К вопросу о становлении и развитии //Сибирский учитель. 2004. № 2. Март- апрель. URL: www.websib.ru
- 32.Русско-узбекский словарь. Ташкент, 1982

- 33.Савенков А. И. Творческий проект, или Как провести самостоятельное исследование //Школьные технологии. — 1998. — № 4. — С. 144—148.
- 34.Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. – М.: Народное образование, 1998. – 256 с.
- 35.Сердюк М.Л. Метод проектов как средство развития творческих способностей учащихся. (На примере образовательной области «Технология»): дис. ... канд. пед. наук. Киров, 2002.
- 36.Стернберг В.Н. Теория и практика «метода проектов» в педагогике XX века: дис. канд. пед. наук. Владимир, 2002.
- 37.Семенов И.Н., Степанов С.Ю. Рефлексия в организации творческого мышления и саморазвития личности. //Вопросы психологии. — 1983, № 3.
- 38.Степанов С.Ю., Похмелкина Г.Ф. Проблемы рефлексивно-творческой педагогики. // Развитие творческой личности в условиях непрерывного образования. Т. 3. — Казань, 1990. – с.29-37.
- 39.Судаков В.Н. Мифология воспитания. Очерки теории развития и воспитания личности. — Свердловск: Изд-во Уральского университета, 1991.
- 40.Словарь иностранных слов. 17-е изд., испр. – М.: Рус. яз., 1988. – с. 401.
- 41.Слободчиков В. И. Инновации в образовании: основания и смысл // Исследовательская работа школьников. 2004. № 2.
- 42.Тросян В.Г. История образования и педагогической мысли: учеб. для студ. высш. учеб. заведений. М., 2003.
- 43.Факторович А. А. Сущность педагогической технологии //Педагогика. 2008. № 2.
- 44.Федотова В. А. Проект — эффективный метод обучения //Специалист. 2006. № 1.
- 45.Юсупов В.З.Проектирование адаптивной образовательной среды – Киров, 2001. – 13 с.
- 46.Яковлева Н.О. Теоретико-методологические основы педагогического проектирования. М.: Изд-во АТиСО, 2002. - 239 с.
- 47.Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар. //Педагоглар учун қўлланма. Қарши, 2011й., 64 бет.
- 48.Рахимов О.Д., Сапаев М.С., Назаров Б.Ф. Замонавий маърузалар. -Педагоглар учун қўлланма. Қарши, 2012й., 68 б.
- 49.Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев К.О. Олий таълимда масофавий ўқитишни ташкил этиш.- Қарши, 2012й. 60 б.

50. Рахимов О.Д., Мустафаев Қ.О., Зоиров Н.И. Масофавий таълимнинг дидактик таъминоти. - Қарши, 2012, 46 б.
51. Рахимов О.Д. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги /ўқув услубий мажмуа.- Қарши, 2012, 857б.
52. Рахимов О.Д., Тургунов О.М. ва б. Замонавий таълим технологиялари. /Тошкент, «Фан ва технологиялар» нашриёти, 2013й, 170б.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. Педагогик ва таълим технологияларнинг умумий таърифи ва асосий тушунчалар	7
II. Инновацион педагогик технологиялар: асосий тушунча ва хусусий белгилари	9
2.1. Ўқитишнинг анъанавий (репродуктив) технологияси	9
2.2. Ривожлантирувчи таълим технологияси	10
2.3. Ақлий ҳаракатни босқичма-босқич шакллантириш технологияси	10
2.4. Жамоавий ўзаро таъсир технологияси	11
2.5. Тўлиқ ўзлаштириш технологияси	12
2.6. Турли даражали ўқитиш технологияси	13
2.7. Адаптив ўқитиш технологияси	14
2.8. Даструрлаштирилган ўқитиш технологияси	15
2.9. Муаммоли ўқитиш технологияси	16
2.10. Модулли ўқитиш технологияси	17
2.11. Бўлажак мутахассисларнинг ижодий фаолиятларини ривожлантириш технологияси	18
2.12. Лойиҳалар услуби технологияси	23
III. Лойиҳалар услуби тўғрисида умумий тушунчалар	24
3.1. Лойиҳалар услубининг тарихий ва педагогик таҳлили	24
3.2. Лойиҳалар услубининг мазмун ва моҳияти	29
3.3. Лойиҳалар услубининг таълим тизимидағи ўрни	31
IV. Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш	36
4.1. Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш принциплари	36
4.2. Лойиҳа таркибини аниқлашнинг умумий ўйналишлари	39
4.3. Лойиҳалар услубидан фойдаланишга қўйилган асосий талаблар	42
4.4. Лойиҳалар типологияси	43
4.5. Лойиҳалар турлари	44
V. Телекоммуникацион лойиҳалар	50
5.1. Телекоммуникация лойиҳаларининг таълим тизимидағи ўрни	50
5.2. Ўқув телекоммуникация лойиҳалари	51

5.3.	Ўқув телекоммуникация лойиҳаларини ташки	53
	баҳолашни ташкил этиш	
VI.	«Ахборот хавфсизлигини таъминлаш» мавзусини	
	loyihalalar uslubini asosida utish texnologiyasini	
	ishlab chiqish	56
6.1.	Лойиҳа мавзуси, мақсади ва вазифалари	56
6.2.	Ўқув лойиҳа типологияси	57
6.3.	Лойиҳа босқичлари	58
6.4.	Мавзу бўйича дастлабки тақдимот	59
6.4.1.	Маъруза машғулоти . «Ахборот хавфсизлигини	
	таъминлаш» мавзуси бўйича таянч маъруза матни	59
6.4.2.	Амалий машғулот	63
6.4.3.	Дарсдан ташқари фаолият	63
6.4.4.	Натижаларни ташки баҳолаш	63
6.4.5.	Мавзу бўйича тақдимот материаллари	64
	Хулоса	72
	Адабиётлар	74

Рахимов Октябрь Дўстқобилович

**ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР:
лойиҳалар услуби - таълим сифатини оширувчи
технология сифатида**

Босишга рухсат этилди 3.09.2013й. Бичими 60x84 1/16.
“Times New Roman” ҳарфига терилди. Нашр табоғи 4,0. Адади 100.
Буюртма №_____

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали

МУАЛЛИФ МУШОҲАДАЛАРИ!

Мехр кўнгил уйининг гавҳаридир!

Инсон туғилгач моддий ва маънавий манфаат учун курашиб яшайди. Албатта, у кўпроқ моддийликга интилади, лекин маънавий манфаатни баъзан эсдан чиқариб қўйишади. Ҳамма моддий орзуларига эришган вақтида ҳам, унга нимадир етишмайди, нимадандир сиқилади, ниманидир, кимнидир излайди.

Кимдир бу хилқатни ҳатто нима эканлигини ҳам билмасдан бу ёруғ дунёдан ўтиб кетади, кимдир унинг нима эканлигини англаб етади-ю, лекин унга етолмайди, яна ким эса ушбу нарсага эга бўлади, лекин уни борлигини пайқамай, қадрига етмай ўтиб кетади.

Хўш бу нима!?

Буни меҳр дейдилар! Ҳа, ҳамма бу дунёда меҳр излайди, у goҳ яхши сўз бўлиб, goҳи бир табассум бўлиб, goҳи бир яхшилик бўлиб, goҳи бир ширин бўса бўлиб намоён бўлади. Меҳрнинг уйи кўнгил тубида, лекин кўнгил уйи қаерда, кўнгил инсоннинг қаерида жойлашган?

Билмам ўзи нечун яшадима мен,
Кимлар учун ишлаб, чарчадима мен.
Ўзи меҳрга зор меҳрибонлардан,
Нечун меҳр кутиб яшадима мен.

Ҳа, инсон кимдандир меҳр кутиб яшайди, кимдир ўғлию-қизидан, кимдир турмуш ўртоғидан, кимдир ака-ука, опасингилдан, кимдир ота-онасидан, кимдир яқин дўстидан ва бошқалардан. Лекин, ана шу кимсаларнинг ўzlари ҳам меҳрга зор эканликларини, уларга ҳам меҳр бериш ўз бурчи эканлигини ёки билишмайди, ёки эсдан чиқаришади.

Дунёни меҳрсиз дема ҳеч қачон,
Ўз қилган ишларинг, ўйлаб фикр қил.
Дейдилар: «Не эксанг шуни ўрасан»
Меҳр кўргузсангина меҳр кўрасан.

2013йил, 9 июль.

Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ижоди тўғрисида замондош мушоҳадаси

Буюк шоир, адолатпарвар давлат арбоби, туркий тиллар адабиётининг илк асосчиси А.Навоий ғазаллари, рубоийлари ва тўртликлари яратилганига 500 йилдан ошиқроқ вақт ўтибдики, ўз қадр-қимматини йўқотмасдан, янада ўзининг яширин маъносини замон нафасига мос ҳолда ёрқин намоён этмоқда. Навоий асарлари яратилгандан буён замон ўзгарди, инсоният цивилизацияси янги, бутунлай бошқа олам кашф этди. Давр глобаллашув даврига, ахборот асрига айланди. Бугун яратилган ихтиро, маънавий эскириб эртага яроқсиз бўлиб қолмоқда. Лекин, буюк бобоколонимиз А.Навоий ғазаллари нафақат туркий халқлар, балки бутун дунё халқлари учун замона шиорига айланиб бормоқда.

Масалан, биргина ушбу мисраларга разм солинг:

*Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ ҳалқ ғамидин ғами.*

Навоий даврида ҳали халқ бўлиб бирлашишга улгурмаган оломонга айтилган ушбу олтин мисралар, бугунги кунда бутун жаҳон халқлари олдида турган мақсадни ифода этади. А.Навоий тўртликлари таҳлил қилинадиган бўлса, биттагина тўртликда шу қадар яширин маъно ва инсоният ҳали кашф этиб улгурмаган сирлар мавжудки, яна минглаб йил А.Навоий ижоди ўрганилса ҳам биргина тўртликда яширинган маъно ва мақсадни билиб бўлмаса керак.

Ушбу тўртликка эътибор қаратинг:

*Гурбатда ғарib шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.*

Албатта бу тўртликни энди тили чиққан боғча болалари ҳам кўзини юмиб ёдан айтиб беради. Лекин шоир бу билан нима демоқчи?

Ғаріб ким у?

Ғаріб, балким бизнинг қалбимизда умр давомида бандиликка ҳукм қилинган, олтин жисмимиз ичра маҳкумликдаги пок рухимиздир?

Ғаріб балким, шоир замонида уни қийнаган, у етолмаган ва топа олмаган бу ёлғончи дунёдаги ҳақиқатдир?

Ғаріб, балким, ўз юртидан айри юрган, юртининг жамоли ва тупроғини биргина кўришга зор мусоғирдир.

Ғаріб, балким ноҳақ озодликдан маҳрум этилган маҳкумдир.

Мен А.Навоийнинг биргина юқоридаги тўртлиги маъносини қуидагича шарҳлаган бўлардим:

Рұхим ғурбат ичра ғарибликка ҳукм бўлгансен,

Эл меҳридин йироқ, сарсон бўлгансен.

Нечун ўзга ашён излаб гирён уурсен,

Азалдан олтин қафас ичра маҳкум бўлгансен.

Рұхим кел тинч қўй мени, мен ҳам дам олай,

Майли ташлаб кет танимни, мен жонсиз қолай.

Ўқиганим барчаси рост, кўрганим ёлғон,

Қайтиб келма то иккиси бўлгунча равон.

Ҳар ким А.Навоий тўртлигини турлича талқин қилиши мумкин, лекин шоир кўнглидаги маънони, муддаони билиб бўлмайди ва Навоийга етмоқ учун таниқли ва севимли ўзбек шоири Сирожиддин Сайид айтганидек яна 500 минг йиллар ҳам камлик қиласди. Ваҳоланки, муҳтарам Президентимиз И.Каримовнинг ҳазрат А.Навоий тўғрисидаги ушбу мулоҳазалари юқоридаги фикрларимизнинг тўлақонли исботи ҳисобланади: «Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг сultonидир». Шу сабабли ҳам А.Навоий асарлари замон шитоби қанчалик тезлашсада, техника ривожи жадал суръатларла қанчалик ўссада ўз қадрини йўқотмайди, балки ўзининг янгидан-янги маъносини кашф этиб, жонажан Юртимиз - Ўзбекистонимиз мустақиллигидек ўз барҳаётлигини абадий асослайди ва асрайди!

*Ўзбекистон Республикаси Турон Фанлар
Академияси ҳақиқий аъзоси,*

академик О.Д.Рахимов
ҚАЙДЛАР УЧУН

